

Ҳуқуқ



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI BOSH
PROKURATURASINING
NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2015-yil 26-mart, №12 (949)

САЙЛОВ - 2015



Сайлов тенглик ва соғлом рақобат муҳитида ўтади

Маълумки, 29 март куни юртимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. Бу муҳим сиёсий жараёнга республикаимизнинг барча ҳудудларида қизгин тараққий қўрилмоқда. Сайловга тайёргарлик жараёнида округ ва участка сайлов комиссияларининг сифатли ва самарали фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Республикаимизда ташкил этилган барча округ сайлов комиссиялари энг замонавий бинода жойлаштирилиб, уларнинг раиси, аъзолари, ишчи гуруҳи, матбуот котиби учун алоҳида ажратилган хоналар телефон, факс, нусха кўчириш аппаратлари, мебеллар билан таъминланди. Улардаги мажлислар ҳамда конференция зали оммавий ахборот воситалари учун матбуот анжуманларини ташкил этиш, хорижлик кузатувчиларни қабул қилиш учун шай ҳолатга келтирилди. Округларда ташкил этилган кўргазмалар воситалар орқали сайловчилар сайловга доир ҳуқуқий асослар, тартиб-қоидалар, сайлов комиссияси фаолиятига тегишли маълумотларни олишлари мумкин. Улардаги интернет тармоғига уланган компьютерлар Марказий сайлов комиссияси, шунингдек, участка сайлов комиссиялари билан тезкор ахборот алмашиш имконини беради.

Айни вақтда барча округ сайлов комиссияларида сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича режалар ишлаб чиқилиб, комиссия аъзолари ўртасида вазибалар тақсими ва навбатчилик жадвали тасдиқланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан ташкил этилган семинар-тренингда округ ва участка сайлов комиссиялари раислари ва аъзолари миллий сайлов қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, сайлов округларида амалга оширилган ишлар

ҳамда келгусидаги вазибалар юзасидан малака оширишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг плакатлари, номзодлар дастури, йўриқнома, низоми ва қонунлар жамланмиси, сайловчилар рўйхати бланкалари намунаси, таклифномалар, сайлов варақалари, қўшимча кабиналар, давлат герби, давлат байроғи, овоз бериш қўтилари ва махсус қоплар, пломбалар, канцелярия товарлари ўз вақтида участка сайлов комиссияларига юборилган. Мазкур ташкилий ишлар юзасидан белгиланган жадвал асосида мунтазам мониторинг йўлга қўйилиб, камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар қўриб борилмоқда.

Сайловга тайёргарлик ишлари доирасида аҳоли, хусусан, ёшларнинг ҳуқуқий маданияти, сайлов комиссияси аъзоларининг малакасини ошириш масаласи ҳам доимий эътиборда бўлиб, мутахассислар иштирокида тарғибот тадбирлари мунтазам равишда ташкил этилмоқда.

Мухтасар айтганда, юртимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг очкилик-ошқоралик ва адолат тамойиллари ҳамда сайловчиларнинг фаол иштирокида ўтишини таъминлашга пухта тайёргарлик қўрилди. Бу бўлажак сайловда сайловчилар ўз конституциявий ҳуқуқ ва бурчидан эмин-эркин фойдаланиши, сайловнинг ҳар томонлама юқори савияда, демократик талаблар асосида ўтишига ҳизмат қилади.

Парламент ҳаёти

Депутатлар қонун лойиҳалари юзасидан амалий муҳокамалар ўтказмоқдалар

Қонунчилик палатаси қўмиталарида мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, аҳоли соғлиғи, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда бошқа соҳаларга оид қатор қонун лойиҳалари юзасидан муҳокамалар бўлиб ўтмоқда. Қонун ижодкорлиги ва қонунчилик фаолиятининг сифатини ошириш мақсадига қонун лойиҳалари муҳокамаларига олимлар, мутахассислар, экспертлар жалб қилинмоқда.

Хусусан, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси Тошкент Давлат юридик университети олимлари билан ҳамкорликда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни чеклаш тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтиришни кўзда тутувчи қонун лойиҳасининг муҳокамасини ўтказди.

Қўмита аъзолари Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилиниб, иккинчи ўқишга тайёрланаётган ушбу ҳужжат юзасидан батафсил маълумот бердилар. Энг аввало, 2011 йилда қабул қилинган "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги Қонуннинг ҳаётга таътиб этилиши фуқароларимизни алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилишда, шунингдек жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини яратишда муҳим рол ўйнаб келаётгани алоҳида қайд этилди.

Шу билан бирга таъкидландики, 2014 йилда мамлакатимизда "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни тартибга солишга қаратилган амалдаги қонунлар таҳлили Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг айрим нормаларини такомиллаштириш заруриятини юзга келтирди. Шу сабабли ҳуқумат томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш таклифи берилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда жамоат жойларида спиртли ичимликлар инчганлик, шунингдек, транспортда чекканлик учун жарима жазосини кўзда тутувчи жавобгарликлар белгиланган. Лекин амалиётда кодекснинг мазкур нормаларини қўллашда айрим мунозарали масалаларга дуч келинмоқда. Шундан келиб чиқиб, иш жойларида алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилганлик учун ҳам жавобгарлик ўрнатиш, мазкур ҳуқуқбузарлик учун "жамоат жойлари" тушунчасини янада аниқлаштириш, тамаки маҳсулотларини жамоат жойларида истеъмол қилганлик, шунингдек алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни тарғиб эт-

ганлик учун ҳам маъмурий жавобгарлик ўрнатиш таклиф этилмоқда.

Тадбир иштирокчилари кодексга киритилаётган мазкур тузатишлар маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилигимиз вазибаларига тўла мос келишини, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга, жамоат тартибини сақлашга, табиий муҳитни, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишга қаратилганини алоҳида эътироф этдилар. Олимлар ва тадқиқотчилар қонун лойиҳасида назарда тутилган нормаларни янада такомиллаштиришга қаратилган фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

— Қонун лойиҳасининг назарий-теоретик олимлар даврасида муҳокамадан ўтказилиши биз ишчи гуруҳ аъзолари учун кўп жиҳатдан фойдали бўлди, — дейди қўмита аъзоси, депутат Д.Арипов. — Энг аввало, биз маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик, унинг вазибалари, маъмурий жазоларнинг қўлланиши масалаларига оид илмий-назарий жиҳатлар ҳақида кенг маълумотлар олдик. Шунингдек, олимларнинг бир қатор таклиф ва мулоҳазаларини биргаликда муҳокама қилдик. Мазкур муҳокама лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

— Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси вакилларининг қонун лойиҳаларини университетимиз олимлари, тадқиқотчилари билан биргаликда муҳокама қилиши қонун ижодкорлиги фаолиятига янгича мазмун олиб қиради, — дейди юридик фанлари доктори, профессор Ж.Холмуминов. — Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида қонун лойиҳаларини давлат бoshқаруви, фуқаролик жамияти институтларининг турли бўғинларида кенг ва амалий муҳокама қилиш зарурлиги ҳақида алоҳида таъкидланган эдилар. Чундан ҳам фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун лойиҳаларининг олимлар, мутахассислар ва экспертлар иштирокида муҳокама қилинишидан ҳаммаимиз манфаатдоримиз. Бундан ташқари, бугунги муҳокама биз олимлар учун, айникса, бизнинг илмий тадқиқотларимиз учун ҳам жуда фойдали бўлди.

Тадбир якунида қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга доир фикр-мулоҳазалар ва таклифлар умумлаштирилди.

Ўз муҳбиримиз

Тамагирликнинг пайи қирқилди



Истиқлолга эришганимиздан сўнг юртимизда тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратишмоқда. Прокуратура органлари томонидан эса республикада ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан тизимли назорат олиб боришмоқда.

Ушбу жараёнда жойлардаги давлат бошқарув органлари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш, уларга турли бюрократик тўсиқлар яратиш, тамагирлик қилиш, фаолиятига асоссиз аралашуш каби қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар қўрилмоқда. Куйида ана шундай ҳолатлардан бири ҳақида сўз юритилади.

Шу ўринда гарчи кўп мартаба қайд этилган бўлса

ҳам, раҳбарликнинг юки оғир, деган иборага яна бир бор тўхталишни лозим топди. Афсуски, ушбу "юк"ни кўтариш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди. Йўқса, пойтахтдаги бозорлардан бирининг шохобчаси мудир лавозимига фаолият юритаётган Амин Бердиев ҳам бировдан кўп, бировдан кам бўлса-да, адо этган вазифаси орқасидан топганига шукр қилиб, оиласини тебратиб келаётган эди. Бироқ нима бўлди-ю, у тўғри йўлдан адашиб қолди. Бунга қайсидир маънода

эгаллаган лавозими ҳам сабабчи бўлган бўлиши мумкин. Ахир, тасарруфдаги бозор нисбатан кичкина бўлса-да, кийим-кечак ва халқ истеъмоли моллари сотишга ихтисослашгани-ю, тадбиркорлар билан шартномалар тузиш билан бирга, шартнома шартларининг бажарилишини, тушган пул маблағлари бозор ҳисоб рақамига тузилишидан ташқари, озодаликка риоя қилиш каби ҳолатларни назорат қилиш ҳам унинг вазифаси бўлгандан кейин "ўзини хон, кўланкасини майдон", дея ҳисоблаган бўлса, ажаб эмас.

Бундан ташқари, бозорча нисбатан кичкина бўлса-да, аксарият катта бозорлардан қолишмас, харидорлар ҳам нисбатан гавжум эди-да! Аммо нима бўлганда ҳам, бир марта судланиб, юзи шувут бўлгани ҳам эсидан чиқиб кетди-ю, нафсининг кўйига тушди-қолди. Оқибатда эса...

Хизмат хонасида ўтирган мудирнинг ҳузурига кириб келган ўрта ёшлардаги йигит ўзини Азамат Муртазаев деб таништирди-да, кишлоқ хўжалиги махсулотлари сотқончи эканлигини айтиб, бунинг учун қандай ҳужжатлар керак бўлишини сўради. Унинг тавозе билан илтимос қилиши Амин Бердиевга ўзгача таъсир қилди, шеклли, виқор билан сўз бошлади. Ўзи шу бозорнинг директори эканлигини пинҳанда қилар экан, сотувчи-

ларнинг қаерда савдо қилиш-қилмаслигини ўзи хал қилиши, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун гувоҳнома олишга анча-мунча пул кетишини-ю, профилактика инспекторлари билан ДСИ ходимларига ҳам гапи ўтишини гап орасида қистириб ўтди. Кейин ўзини ўта "ҳожатбарор" қилиб кўрсатиб, савдо учун буюм бозорининг ўртасидан жой ажратиш беришни ваъда қилди-да, тирикчилигини кўрқмай қилаверишни айтиб, вақти келганда шунга яраша хизматга тайёр туришини кўшиб қўйди. Шу гапдан кейин Азамат Муртазаев кўрсатилган жойга махсулотларини олиб келиб, савдо қилишни бошлади.

Орадан бир ҳафтача вақт ўтиб, "бозорком" А.Муртазаевни йўқлаб қолди. Қабули қирғач, савдо қилинаётган жой учун ҳеч қандай ҳужжат талаб қилинмаслиги, бозор учун ҳам тўлов амалга оширилмаслиги, шунингдек, бозор ҳудудига профилактика инспектори, ДСИ инспектори ёки бошқа ходимлар томонидан муаммо келиб чиққан тақдирда, барчасини ўзи хал қилишини айтиб, бунинг эвазига унга ажратилган жой учун ҳар ойнинг 28-санасида атиги 300 минг сўм бериши кераклигини тушунтирди.

А.Муртазаев айтилган сума кўплигини, ҳеч бўлма-са 250 минг сўмга келишини илтимос қилган эди, А.Бердиев рози бўлди. Унинг қабулидан чиққан

Мирағлам МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг
биринчи ўринбосари

А.Муртазаевнинг эса боши қотди. Ахир бугунги кунда тадбиркорликнинг ҳар қандай тури билан шуғулланган деганларга барча шароит-у имкониятлар яратилган бўлса-ю, бозор мудирини уни тўғри йўл қолиб, қонунбузарликка бошласа... Уйлай-уйлай, ахирги бир қарорга келди. Эртаси кун бозор ҳолатларни баён қилиб, тегишли органларга ариза билан мурожаат қилди.

Шу куннинг ўзидаёқ савдо-сотиқ билан шуғулланмоқчи бўлиб, ўзига мурожаат қилган фуқародан тамагирлик йўли билан 250 минг сўм пулни пора тариқасида олган бозор мудирининг қинғир ишига чек қўйилди. У пора тариқасида олган пулни чўнтагига солган пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган-ҳодимлардан кириб келиши ва холислар иштирокида ёнидан чиққан, махсус ишлов берилган пуллар ашёвий далил сифатида расмийлаштирилди.

Суд томонидан хизмат ваколатини суиистеъмол қилиб, тамагирлик йўли орқали пора олган А.Бердиевга 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Шунингдек, у 2 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш борасидаги ислохотлар чуқурлашиб бормоқда. Иқтисодиётни ривожлантиришда эса давлат солиқ сисъати алоҳида ўрин тутди. Чунки солиқлар халқ фаровонлиги, сиҳат-саломатлик, келажақ авлодининг таълими ва тарбияси манбаи демаккир. Шундай экан, иқтисодиётимиз раънақи ҳар биримизнинг солиқларини ўз вақтида тўлаб боришимизга бевосита боғлиқдир.

Иқтисодий таянч

Сардор ТЎЛҚИНОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг
Тошкент вилоят бошқармаси
катта инспектори

Шу боисдан, солиқ базасини кенгайтириш, солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан бош тортишининг янги механизми ва каналларини аниқлаш, солиқ ва валютага оид жиноятлар, коррупция, хуфиёна иқтисодиётга қарши курашиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, бу борада ўтказилган тадбир жараёнида яратилган имкониятлардан ноқонуний равишда фойдаланиб, солиқларни четлаб ўтишга уринган, Оҳангарон туманида рўйхатдан ўтган "Оқ тулпор" МЧЖ мутасаддиларининг қонунга зид хатти-ҳаракатлари аниқланди. Жамиятнинг молиявий фаолияти ўрганилганда, унинг мансабдор шахслари жиноий тил бириктириб, солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаганликлари, 52,2 млн. сўм миқдорига ягона ижтимоий тўловларни тўламаганликлари маълум бўлди.

Шунингдек, департаментнинг Олмалик шаҳар бўлими томонидан "Davonbek" МЧЖ фаолияти юзасидан олиб борилган таҳлилларда МЧЖ томонидан 54 млн. 615 минг сўмлик ягона солиқ тўловлари амалга оширилмагани оқибатида давлат бюджетига жуда кўп миқдорда зарар етказилганлиги аниқланди.

Бекобод туманида рўйхатдан ўтган "Эгамкул Рўзикул Агро" фермер хўжалиги мансабдор шахслари эса 2012-2013 йиллар давомида шולי сотишдан тушган 68 млн. 640 минг сўм нақд пулни банкка топширмасдан савдо қондаларини жуда кўп миқдорда бузишган, шунингдек, 35 млн. 338 минг сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашган. Ушбу ҳолатларга нисбатан суд томонидан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Қонунларга риоя этган ҳолда фаолият олиб бораётган кўплаб тадбиркор ҳамюртларимиз баҳоли-қудрат даромад кўрмоқдалар. Ўз навбатида, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги фаолиятларини кенгайтириб бориш билан бирга, белгиланган солиқ тўловларини ҳам ўз вақтида амалга оширишмоқда. Аммо тадбиркор, ишбилармон ниқоби остида қонунларимизни четлаб ўтмоқчи бўлган сохтакорлар ҳам борки, бундайлар қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришларига тўғри келмоқда. Ана шундайлардан бири "Асилбек Транс Сервис" хусусий корхонаси мутасаддиларидир. Корхона фаолияти ўрганилганда, транспортда аҳолига пуллик хизмат кўрсатишдан тушган 223,5 млн. сўм миқдоридида пул маблағлари банкка топширилмаганлиги ҳамда ушбу тушумлар солиқ ҳисоботларида қамайтириб кўрсатилиши оқибатида 28 млн. сўмга яқин солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўланмагани аён бўлди. Мазкур қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иш қўзғатилди. Суд томонидан ҳуқуқбузарлар жазога тортилди.

Мухтасар қилиб айтганда, юрт фаровонлиги, осовийшта турмуш, халқимизнинг ҳаёт тарзини яхшилаб боришдек эзгу ниятларимизнинг амалга ошиши сизу бизнинг солиқларини ўз вақтида тўлаб боришимизга ҳам боғлиқ.

Рауф Очилов Бухоро темирйўл корхонасида оддий ҳайдовчи бўлиб иш бошлаганида энлигина 20 ёшни қаршилаган эди. У тез орада шижоати, ҳалол меҳнати билан жамоада ҳурмат қозонди. Орадан бир йил ўтиб, у Бухоро минтақавий темирйўл узелига ҳайдовчи вазифасига ўтказилди. Бошланғич хизмат юзасидан олиб юрадиган ҳайдовчи 5-6 йилда анча "танилиб" қолди.

Фирибгар ҳайдовчи



Мэлс НАИМОВ,
Бухоро транспорт прокурори

2012 йилда Рауф Очилов Когон шаҳридаги автомобилларни ювиш шохобчасида Алишер исмли йигит билан танишмоқ қолади. Суҳбат жараёнида Алишер Тўймуродов Бухоро локомотив депосига ишга кириш нияти борлигини айтиб, ундан йўл-йўриқ сўрайди. Орадан 3-4 ой ўтиб, Рауф депода Алишерни учратиб қолди. Бу сафар Рауф Алишерга ёрдам қилини чўзадиган бўлди. Ҳайдовчининг илтимосини Бухоро минтақавий темирйўл узели бошлиғи ерда қолдирмади. Рауф эса "хизмати" эвазига Алишердан 1 млн. 400 минг сўмни санаб олди. Меҳнатсиз пул топшиш унга ёқиб қолди. Энди унга ишга жойлаштириб қўйиш масаласида ёрдам сўрайди-ганлар ҳам кўпайиб кетди.

Алишернинг жиянимдан деб мурожаат қилган Аброр депога оддий ишчи бўлиб кириш учун 1200 АҚШ доллари бериш кераклигини Рауфдан ашитганда довдираб қолди. "Нима қиламан, энди? Ховлидаги молларни бозорга олиб чиқаман, бошқа илож йўқ", деб ўйлади.

— Ака, биров қамайтиринг, бунча пулни беролмайман, — деб Аброр шароити оғирлигини тушунтирди. Лекин "воситачи" унга кулоқ солмади.

— Сен айтганини қил, бўладигани шу, — дея жаҳл қилди ҳайдовчи.

Келишувга биноан Когон шаҳрига кириш йўлида Аброр 1200 АҚШ долларини Рауф Очиловнинг қўлига тутқазди. Аммо бу сафар "воситачи" ҳайдовчининг қувончи узоққа чўзилмади. У шу жойнинг ўзида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини томонидан жиноят устида қўлга олинди.

Қисқа иш фаолиятида Рауф Очилов 12 нафар шахсни ишга кири-тиб, моддий манфаат кўрганлиги ҳам аниқланди.

Жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар судининг ҳукмига биноан Р.Очиловга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Мулкий манфаатлар ҳимояси



Уй — бу қўрғон, унда барчанинг қувончу ташвишлари кечадди. Шу боис ҳам, уни ҳимоя қилиш унга эгаллик қилувчи, фойдаланувчи ва уни тасарруф этувчи шахснинг мутлақ ҳуқуқидир.

Мамакатимизда уй-жой билан боғлиқ муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган. Хусусан, *Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси, Уй-жой кодекси, "Давлат уй-жой фондиди хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 июндаги "Давлат уй-жой фонди хусусийлаштирилиши муносабати билан норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги, 2000 йил 20 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг уй-жой фондиди давлат йўли билан ҳисобга олиш тўғрисида"ги Қарорлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир.*

Уй-жой қонунчилиги нормаларига риоя қилиш фуқаролар, шунингдек, уй-жой фондиди ҳисобга олиш, сақлаш, фойдаланиш ва таъмирлашни таъминлаш ваколати юклатилган давлат органлари, корхоналар, муассаса ва ташкилотларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Уй-жой муносабатларидан келиб чиққан низолар бўйича даъво аризаларини қабул қилиш масаласини ҳал этишда, судларда аввало, мазкур даъво талабининг судга тааллуқлилиги ҳамда даъво ваколатли шахс томонидан қўзғатилганлиги текширилади.

Фуқароларнинг уй-жой шартларини яхшилаш, ёрдамчи хоналарни қайта қуриш ва ўзгартиришга розилик бериш масалаларини ҳал этиш маҳаллий давлат ҳокимияти органи ва ижарага берувчиларнинг ваколатига тегишли эканлигидан келиб чиқиб, бундай масалалар бўйича даъволар судга тааллуқли эмаслиги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги "Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида"ги Қарориди қайд қилинган. Бироқ, фуқаролар

қилмаслик мажбуриятини юк-лаш ҳақидаги даъволар кўпроқ ташкил этади.

Амалиётда бу борадаги ишлар таҳлили уй-жойга кири-тиш тўғрисидаги даъволар билан кўпроқ келинлар томони-дан мурожаат қилинаётганли-гини кўрсатмоқда.

Уйга яшаш учун кириштиш ҳамда турар жойдан фойдаланишга бўлган ҳуқуқни йўқотган, деб топиш тўғрисидаги даъволарни ҳал этишда турар жойга даъво қилувчи шахс Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 32-моддаси 2-3-қисмларида қайд этилган шахслар сафига киришини ёки бошқа асос бўйича уйда яшашга бўлган ҳуқуқий ҳолатларини, қандай сабабларга кўра яшашаётганлигини ва даввони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаш лозим.

Мулкдорнинг оила аъзолари деб, у билан доимий бирга яшаётган хотини (эри) ва уларнинг фарзандлари тун олинади. Эр-хотиннинг ота-онаси, мулкдор билан доимий яшаётган оилали фарзандлари, меҳнатга қобилиятсиз боқимандалар, шунингдек, мулкдор билан доимий бирга яшаётган фуқаролар, агар улар мулкдор билан умумий ҳўжалик юритаётган ва унинг турар жойида рўйхатдан ўтган бўлсалар, мулкдорнинг оила аъзоси деб топилиши мумкин.

Мулкдорга нисбатан уй-жойда яшаш ҳуқуқини йўқотган деб топишга йўл қўйилмайди.

Нотариал тартибда тузилган уй-жой шартномасида со-тувчи ва унинг оила аъзолари-нинг турар жой рўйхатидан чиқиб кетиш мuddати кўрсати-лган бўлса, шу мuddат туга-ган кундан, мuddат кўрсати-лмаган бўлса, шартнома тузил-ган кундан эътиборан улар тур-ар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб ҳисоб-ланади.

Масалан, даъвогар А.Раҳи-мова судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, Т.Юсупов билан 2002 йилда қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қургани, 2002 йилда турмуш ўрто-ғининг отаси Х.Юсуповнинг номида бўлган уйга келин бўлиб тушгани ва қонуний рўйхатдан ўтиб, шу уйда яшаб келгани, турмуши давомида 2 нафар фарзанди туғилгани, ўзаро келишимовчилик сабаб-ли никоҳи бекор қилингани ва 2014 йил декабрь ойида уйдан чиқиб кетгани, ҳозирда воғна етмаган фарзандлари билан ижарада яшаб келаётганини

баён қилиб, қайнотаси Х.Юсуповнинг уй-жойига кириштишни сўраган.

Суд қарори билан А.Раҳи-мовани уйга кириштиб қўйиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 32-моддасида қайд этилган шахслар, агар улар уйга кўчиб келган пайтда ёзма равишда бошқа ҳол қайд этилган бўлмаса, уйдаги хоналардан, квартиралардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақлидирлар. Улар мулкдор берган турар жойга ўзларининг воғна етмаган фарзандларини кўчириб кириштишлари, оиланинг бошқа аъзоларини эса уйга мулкдорнинг розилиги билангина кўчириб кириштишлари мумкин. Бу шахслар уй, квартиранинг мулкдори билан оилавий муносабатларни тугатган тақдирда ҳам уларда турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақ-ланиб қолади.

Амалиётда шу каби низо-ларни тез ва қисқа фурсатлар-да ҳал этиш, аёллар ва воғна етмаганлар манфаатларини эътиборга олиб, келгусида тур-ар жойдан фойдаланиш бора-сида турли хил низоларнинг кели-би кишиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда, никоҳла-нувчи шахслар ўртасида "Никоҳ шартномаси" тузиш, унда тарафларнинг ҳар бири-нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари-ни мажбурий тусга киритили-ши мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, уй-жойни умумий мулк деб топиш, бўлиш билан боғлиқ низолар ҳам уй-жой низолига доир низолар сирасига қиради ва уй-жойларни бўлишда мулк-дорлар ўзаро келиши олманган-да ҳам бу низолар суд тарти-бида ҳал қилинади.

Улушли ёки умумий мулк-да бўлган уй-жойларни бў-лишда низоли уй-жойда мав-жуд бўлган хоналар ва фойда-ланишда бўлган умумий май-дон ҳисобга олиниб, ҳисса бўйича тенг ёки ҳиссадан унча кўп, унча кам бўлмаган ҳол-да бўлишни ёхуд айрим хоналар-ни қайта қуриш ҳисобидан уй-жойни бўлиш имконияти мав-жудлиги тўғрисида тегишли экспертиза хулосалари ино-батга олинади.

Республика Олий суди Пле-нумининг юқориди қайд этил-ган "Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида"ги Қарориди бундай мулкдаги уй-жойларни бўлишда тараф-ларга ажратилган барча хона ҳамда қўшимча ва ёрдамчи иморатлар суд қарориди аниқ кўрсатилган бўлиши лозимли-

Шаҳноза УМАРОВА,
Бoш прокуратура бўлим
прокурори

ги алоҳида белгилаб ўтилган.

Мисол учун, даъвогар Н.Тур-диев жавобгар О.Расулвоғна нисбатан даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, жавоб-гар билан 1992 йилда турмуш қургани, турмушлари давоми-да 3 нафар фарзандлари ту-ғилгани, 2002 йилда никоҳла-ри бекор қилинганлиги, никоҳ-лари давомида, яъни 2001 йилда жавобгар О.Расулвоғна яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер майдони ажратилиб, уй-жой қуришга, ҳозирда жавобгар фарзандлари билан низоли уй-жойда яшаётганли-ги, низоли уй-жой уларнинг никоҳи даврида қурилганлиги, ушбу уй-жойни умумий мулк деб топиб, уйни натуро тарти-бида унда қолдириб, жавобгар-га улуш ажратиш ҳамда уй-жойдан жавобгар ва бошқалар-ни чиқаришни сўраган.

Ишни кўриш давомида суд даъвогарнинг даъвосини асосси деб топиб, уни қона-тлантиришни рад қилган. Чўнки, Ўзбекистон Республи-каси Оила кодексининг 27-моддаси 5-бандига кўра, "Оилавий муносабатлар туга-тилганда, суд эр ва хотин алоҳида яшаган даврда ортти-рилган мол-мулкни улардан ҳар бирининг ўз мулки деб топиши мумкин".

Шунга кўра, ишни кўришда тарафлар ўртасидаги никоҳ 2002 йилда суд қарори билан расман бекор қилинган бўлса-да, никоҳни бекор қилиш ҳақидаги Н.Турдиевнинг даъ-восига асосан қўрилган фуқа-ролик ишида тарафлар 1999 йилдан буён яшашаётганлик-лари, даъвогар шу йили шар-ий никоҳ асосида бошқа аёл-га уйланиб, яшаб келаётганли-ги ва бу юзасидан судга те-гишли далиллар тақдим этиб, никоҳдан ажратишни сўраган-лиги аниқланган.

Қонуннинг ушбу талаби ва иш ҳолатларига кўра, даъво-гарнинг даъво талаблари асосси бўлгани учун умумий мулк деб топиш ва бўлиш сўралган уй-жой уларнинг оилавий муносабатлари туга-ган даврда олинганга кўра, асосли рад қилинган.

Қонунийлик фуқаролар мулк-ий ҳуқуқлари ҳимоясини таъ-минлайди. Шундай экан, ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркин-ликларидан фойдаланишда энг аввало, бу борадаги ҳуқуқий меъёрларни яхши билиши лозим.

Айни вақтда республикамиздаги ҳарбий қисмларда аскарларнинг қасамё қабул қилиш маросимлари бўлиб ўтмоқда. Шу муносабат билан жойларда ташкил этилаётган таъбирларда ҳарбийлар, уларнинг ота-оналари ва яқинлари, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишмоқда.

Қасамё қилиш маросимларида сўзга чиққанлар ҳарбий соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани, ҳарбий қисм ва таълим муассасаларида аскарлар учун барча зарур шарт шартларини алоҳида таъкидлашаёт-тир.

Мардлар кўриқлайди Ватанни

Қайд этиш жоизки, айни вақтда ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар самарасида юртимиз тинчлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш нафақат консти-туциявий бурч, балки юксак шон-ша-раф ишига, мард, жасур ўғлонлари-мизнинг ҳақиқий ҳаёт мактабига ай-ланди.

— Йигит киши Ватанни асраш учун туғилади, деган нақл бизга ота-бобо-ларимиздан мерос бўлиб келмоқда. Бугун Ватанимиз мадҳияси, сафдош дўстларимизнинг мардонавор оҳангдаги қасамдими тинлар эканман, бу фикр-нинг моҳиятини янада теран англадим, — дейди оддий аскар Зафар Сатин-

боев. — Қалбимда жўш ураётган ҳис бу Ватан меҳри эканлигини ушбу маросимда яққол ҳис этаёпман. Ҳарбий қасамё эса менга Ватан мудфоаси нақадар юксак вазифа эканлигини та-саввур этишимга туртки берди. Дар-ҳақиқат, юқориди таъкидлаганимиздек, бугун Ўзбекистон Қуролли Кўчалари са-фида хизмат қилиш ўшларимиз учун нафақат конституциявий бурч, балки юксак шон-шараф ишига айланган. Соҳада амалга оширилган ислохотлар самарасида қисмларда соғлом муҳит яратилиб, ёшларни ҳарбий хизматга қақирув тартиби ва йигин пунктларни-нинг инфратузилмаси тубдан янгилен-ди. Муддатли ҳарбий хизмат бир йил-

гача қисқартирилиб, хизмат бурчини намунали бажарган, жанговар ва маъ-навий-маърифий тайёргарликларда юксак натижаларга эришган аскарлар-га олий ўқув юрталарга ўқима қириш-да қўшимча имтиёз берадиган тавсия-номалар бериш йўлга қўйилди.

Биз ташриф буюрган ҳарбий қисм ҳам эрта тондан мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган ота-она-лар, ёшу кекса билан гавжум бўлди. Акаларига ҳавас билан тикилиб тур-ган болалар уларга тақдид қилгандай тек қотишди. Командирнинг буйруғи билан аскарлар бирин-кетин ҳарбий қасамё қабул қила бошлади.

Ўз мухбиримиз



Тадбиркорга мададкор

Ўзбекистоннинг макроиқтисодий тараққиётида чет эл капитал ва корпоратив бошқарувнинг хорижий устуллари асосланган корхоналарнинг муваффақиятли фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Юртбошимизнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек: "Бугун мамлакатимизда шундай амалий тажриба тўпландики, унга кўра Ўзбекистон шариоитида юртимиз сармоядорлари билан бир қаторда чет элик инвесторлар акцияларга эга бўлган мулкчилик шакли энг мақбул бўлиб, ҳар жиҳатдан ўзини оқламоқда".

Ташқи иқтисодий фаолият ва хорижий инвестициялар тўғрисидаги қонунчилик ижроси қай даражада таъминланмоқда? Бу борада Бухоро вилоят прокуратураси органлари томонидан қонунлар ижроси мунтазам таҳлил қилиб борилмоқда.

Вилоятда 2015 йил 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган 72 та хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва экспорт қилувчи маҳаллий корхоналарни қўллаб-қувватлаш ҳамда хорижий инвесторлар ва ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга кенг қўламдаги имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар тизими яратилиб, қўлай инвестициявий муҳит шакллантирилган. Жумладан, ўтган давр бўйида 13 та қўшма корхонанинг 4824,4 минг АҚШ доллари миқдоридидаги, 1 та қўшма корхонанинг 135 минг евро миқдоридидаги маблағлари конвертация қилинган ҳамда 24 та қўшма корхонага 37,4 млрд. сўм ҳамда 2 та қўшма корхонага 653,8 минг АҚШ доллари миқдоридида кредит жратилган.

Бухоро шаҳрида жойлашган Ўзбекистон - Германия "Шахристон Вояж" қўшма корхонасининг молиявий қардорлиги ҳамда меҳмонхона биносининг таъмирталаб ҳолга келиб, жиҳозлари эскириб, меҳмонлар талабига жавоб бермай қолганлиги сабабли 2013 йилда фаолият кўрсатмаганлиги аниқланган, унинг хорижий таъсисчиси "NEMUS GmbH" компаниясининг молиявий кўмаги билан қўшма корхонанинг барча қардорликлари қопланиб, фаолияти тикланди. Шунингдек, меҳмонхона жиҳозлари янгиланиб, 15 та янги иш ўрни яратилган эришилди.

Лекин шу билан бирга, олиб

борилган назорат тадбирлари давомида Бухоро шаҳар ҳокимининг қарори билан шаҳардаги "Бухоро маликаси", "Шахристон Вояж", "Саноат-гилам" ва бошқа жами 25 та қўшма корхона, тижорат банклари, хусусий корхона ва меҳмонхоналар ҳамда гишт ишлаб чиқарувчи хусусий корхоналарга тегишли қонун талабларига зид равишда қора металл парчалари ва чикиндиларни тайёрлаш ва топшириш мажбурияти юклатилгани аниқланди. Бундай ҳолатни келтириб чиқарган мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф 5 та қарорига протест келтирилди, 29 нафар хорижий инвесторларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши таъминланди.

Бухоро шаҳар прокуратураси томонидан хорижий инвестициялар ва хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналарнинг ҳамда ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги назоратни ташкил этишда авваламбор хорижий инвесторлар ва экспорт қилувчи корхоналарнинг қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралаштиш, бюрократик тўсиқлар яратиш, тадбиркорлик эркинлигини чеклаш каби хатти-ҳаракатларга қарши курашишга алоҳида эътибор қаратилди.

Амалдаги қонунлар талабидан келиб чиқиб, шаҳар-туман прокуратураларида хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган, шунингдек, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва уни экспорт қилувчи корхоналар тўғрисида маълумотлар базаси яратилиб, мониторинг ўтказиш йўли билан маҳаллий ҳокимликлар, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг вилоят бошқармаси

Рашид РАҲМАТОВ,
Бош прокуратуранинг ОЎК
тинловчиси

ҳамда бошқа масъул идоралар томонидан ҳудудга чет эл инвесторларини жалб этиш ва экспорт ҳажмини кенгайтириш борасидаги вазифаларнинг бажарилиши мунтазам равишда таҳлил қилиб борилмоқда.

Хозирги кунда бир неча хорижий инвестиция иштирокидаги "ДЭУ Текстиль Бухара" хорижий корхонаси, "Саноат-гилам", "Текстиль Спектрум колорс", "Ўз Корея Медикал", "Бухоро Баҳор" каби қўшма корхоналар ўзларининг самарали фаолияти билан вилоятнинг саноат ва экспорт ҳажмини кенгайтиришга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Қўшма корхоналар томонидан ип-калага, тайёр матолар, трикотаж кийимлар, тайёр болалар кийимлари, гилам ва гилам маҳсулотлари, қайта ишланган тери маҳсулотлари, ипак, мебел ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, "Sarafroz Tekstil" Ўзбек-Хитой қўшма корхонаси полипропилен қолиплари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, корхонанинг устав фондиди шакллантириш мақсадида 183,732 минг АҚШ доллари миқдоридида хорижий инвестиция жалб этилди ва 18 та янги иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, вилоят прокуратураси органлари томонидан вилоят ҳўжалик судининг қарорлари ҳам ўрганилиб, асоссиз қабул қилинган қарорларга протест келтириш йўли билан қўшма корхоналар ҳуқуқлари тикланмоқда.

Айтиш жоизки, бозор муносабатлари шариоитида ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартриш, модернизация ва диверсификация қилиш, хорижий сармоядорларни жалб этиш, чет эл инвестициясини олиб кириш орқали биринчи навбатда, тадбиркорлик соҳаси ривожлантирилади. Қолаверса, барқарор иқтисодий ўсиш аҳоли турмуш фаровонлигининг юксалишига, эл маъмуричилигининг ошишига имкон яратди. Бу борада тадбиркорларнинг эркин фаолият олиб бориши, уларнинг ҳуқуқий ҳимояси мунтазам таъминланмоқда.

Мустақиллик шарофати билан ҳўжалик юритувчи субъект сифатида тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаман деганлар учун кенг имкониятлар яратиб берилди. Шунингдек, уларнинг ҳўқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кафолатловчи мукамал қонунчилик базаси ва ҳўқуқий механизмлар яратилиб, давлат тадбиркорлар ҳўқуқларининг бош ҳимоячисига айланди.

Ҳўқуқий ҳимоя — ривожланиш пойдевори

Шерзод ХАЙДАРОВ,
Қизилтепа туман прокурори

Ушбу йўналишда прокуратура органларининг олдида ҳам бир қатор масъулиятли вазифалар юклатилган бўлиб, туман прокуратураси томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳўқуқий ҳимоясини таъминлаш, улар фаолиятида ноқонуний текшириш ва турли аралашувларнинг олдини олиш бўйича муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Бу борада ўтган йил давомида туман прокуратурасидаги ишонч телефони орқали олинган 8 та мурожаатнинг барчаси қаноатлантирилди. Жумладан, 2014 йилнинг 4 апрелида тумандаги "Саттор Чўпон чорваси" фермер ҳўжалиги раҳбари А.Ўроқов туман прокуратурасининг ишонч телефонига мурожаат қилиб, қишлоқ ҳўжалиги техникаси сотиб олиш учун 18 млн. сўм кредит оlishида амалий ёрдам сўраган эди.

А.Ўроқовнинг мурожаати туман прокуратураси томонидан кўриб чиқилиб, "Саттор Чўпон чорваси" фермер ҳўжалигига қишлоқ ҳўжалиги техникаси сотиб олиш учун 18 млн. сўм кредит олиб берилиши таъминланди.

Хусусан, ДТ "Халқ банки"нинг Қизилтепа туман филиали томонидан туманнинг "Сўфиён" маҳалласида яшовчи якка тартибдаги тадбиркор О.Хидированинг 2013 йил 5 августда банк бошқарувчиси номига тўлов терминали ажратиши сўраб ёзган аризаси банк бош ҳисобчиси У.Ўроқовга йўналтирилган бўлса-да, ушбу мурожаат 2014 йилнинг 29 январига қадар кўриб чиқилмасдан, ўз ҳолига ташлаб қўйилгани аниқланиб, банк бош ҳисобчиси У.Ўроқовни нисбатан МЖТКнинг 43-моддаси билан маъмурий жавобгарликка доир иш қўзғатилди.

Тумандаги "Оазис-табобат" хусусий корхонаси раҳбари М.Ҳабибуллаевнинг 2014 йил 10 апрелда туман электр тармоқлари корхонасига электр энергиясига улашиш учун техник тавсиянома бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш натижалари бўйича ариза муаллифига ёзма жавоб хати берилмагани аниқланиб, туман электр тармоқлари корхонаси муҳандиси М.Неъматов интизомий жавобгарликка тортилди.

Бундан ташқари, якка тадбиркор Ш.Олтиновнинг аризаси юзасидан ўтказилган текширишда ДТ "Халқ банки"нинг Қизилтепа туман филиали мансабдор шахслари ўзaro тил бириктириб, 2013 йилнинг сентябрь-октябрь ойлари давомида банк миқозлари бўлган "Марс оқ олтин" МЧЖ, "Бўстон люкс қурилиш" ХК, "Ҳазрат Сайид" минерал маъдаласи хусусий корхонасининг ҳисоб рақамлари ҳамда фуқаролар Д.Сафарова, С.Гафоров, З.Матрасулов, М.Жўраева ва Д.Муратовларнинг омонатларидан жами 234 млн. сўм миқдоридидаги пул маблағи уларнинг розилигисиз, тўлов топшириқномаси ва аризаларсиз тумандаги "Қизилтепа зотдор моллар" МЧЖнинг ҳисоб рақамига кўчириб, сўнгра МЧЖ ҳисоб рақамидан "Чорвачилиқда насл-хизмат" Республика наслчилик уюшмасининг ҳисоб рақамига "Зотдор қора мол олиш учун" деб кўчириб бериб, фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зарар етказганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан ДТ "Халқ банки"нинг Қизилтепа туман филиали мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, айбдор шахсларга нисбатан суд ҳукми билан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Маҳаллий ҳокимлик ва назорат органлари билан ҳамкорликда тадбиркорлар билан учрашувлар ҳам ўтказилиб, уларнинг муаммоларини жойида ҳал этиш масалаларига эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, 2014 йил майдонда туман прокуратураси томонидан масъул раҳбарлар билан ҳамкорликда жами 15 та учрашув ўтказилган. 320 нафар тадбиркор иштирок этган мазкур тадбирларда тадбиркорлардан 12 нафарининг муаммоси ижобий ҳал қилинишига амалий ёрдам кўрсатилди. Шундан 12 нафар тадбиркорлик субъектига рухсатнома бериш ёки бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш масаласи ҳал қилиниб, 228 нафарига ҳўқуқий маслаҳатлар берилди.

Қонунларни ижрочилар ва аҳолига етказиш тарихий негизлар ва ривожланиш истиқболлари

тарихий негизлар ва ривожланиш истиқболлари

Конун ҳужжатларини ижрочиларга ва аҳолига етказиш аҳолининг ўрганиш тарихий ривожланиш, ижтимоий ва давлат тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиниши зарур. Чунки давлат ҳуқуқий тизимининг такомиллашувида тарихий ва маънавий-ахлоқий аъёнлар муҳим аҳамият касб этади. Бундай ёндашув билан амалга оширилган илмий-амалий изланишлар қонунларнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида, қонун ҳужжатларини ижрочилар ва аҳолига етказиш жараёни ва босқичлари, тартибга солиш йўналишлари, ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётда тутган ўрни ва мавқеини аниқлаштиришга имкон яратди.

Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида: "Қонунларни ижрочиларга етказиш ва шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ва амалга ошириш самарадорлигини албатта ўрганиши ва шу асосда қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастурларига зўлиқ билан тузатишлар киритишни кўзда тутадиган меъёрий-ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлаш — бугунги кунда долзарб вазифага айланиши даркор", деб таъкидлаган.

Ҳақиқатан ҳам давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиш тарихини давлат ҳокимияти билан кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишининг энг мақбул услублари ҳамда воситаларини излаб топиш жараёнидан ажратиб бўлмайди. Бу жараён давлатнинг табиатига сезиларли таъсир кўрсатади. Мустақиллик шарофати билан маънавий қадриятлар қайта тикланмоқда. Халқимиз ўз тарихини, адолат, ҳақиқат ҳамда комилликдан сабоқ бера оладиган тарихий ижтимоий муҳитни янгидан идор қилмоқда.

Қонун ҳужжатларини ижрочиларга ва аҳолига етказиш бугун ёки кеча пайдо бўлган эмас. У бир неча минг йил илгари инсоният тарихида илк бор давлатчилик асослари пайдо бўлиб, ҳудудийлик таъмоилига кўра бўлиниб яшаш турмуш тарзи аҳоли томонидан қабул қилиниб, оммавий тартиб тушунчаси пайдо бўлгандан буён мавжуд. Лекин янги тартиботни ўрнатувчи ҳужжатларни ижрочилар ва аҳолига етказиш, янги ҳуқуқий қоидаларни жорий қилиш турли тарихий даврларда, у ёки бу ижтимоий-иқтисодий тараққиёт босқичида, муйайн давлатларда турлича ҳал қилинган.

Инсоният тарихида қонунларни етказиш унга ишончсизлик каби номмақул ёндашувдан аста-секин ўзлашув, тартибсизлик, ҳақ-ҳуқуқсизлик, ҳимоясизликдан воз кечилиб, янги тартибот ҳужжатларини халққа самарали етказишга бўлган узоқ эволюция босқичларидан ўтган.

Маълумки, ҳуқуқ ижтимоий муносабатларни тартибга солуви энг муҳим воситадир. Ўз навбатида, унинг таркибий қисми бўлган, янги тартиботни ўрнатувчи ҳужжатларни ижрочиларга ва аҳолига етказиш мазмуни тарихий ривожланиш босқичларида бир хилда бўлган эмас. Унинг такомиллашуви босқичлари кўпроқ сав-

до-сотиқ ва халқаро ҳамкорликнинг чуқурлашуви негизда амалга ошган. Шунинг учун қонунларни етказиш борасида бағи хорижий таъриба билан бир қаторда аждодлар меросида мазкур масала қандай ҳал этилганлигини ўрганиш бу соҳада самарали ҳуқуқий ечимларни топишга ёрдам беради.

Янги тартибот ҳужжатларини етказишининг тарихий негизлари биринчи навбатда Рим ҳуқуқига бориб қадалади. Қадимги Римда ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиш "caput habere"ни аниқлаган. Муйайн шахс тўлиқ ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиши учун сиёсий, оилавий ва мулкчилик муносабатларида 3 та талаб қўйилган: эркинлиги бўйича — қул эмас, эркин одам бўлиши; фуқаролиги бўйича — Рим фуқаролари қаторида туриши, ўзга юртдан бўлиши мумкин эмаслиги; оилада оила бошлиғи ҳокимиятига тобе бўлмаслиги лозим эди.

Кўҳна Туркистон заминида ҳам қадимдан эл осойишталигини таъминлаш, фуқарога ҳар томонлама ёрдам бериш, уларга жабр қилганга нисбатан чора қўллаш ва ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишга адолатли бўлишга алоҳида эътибор қилинган.

Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда марказлашган давлат барпо этиш, халқаро алоқалар, йўллар ва шахарлар қуришга кўп эътибор берганига бағишланган асарлар талайгина. Лекин янги тартиботни ўрнатувчи ҳужжатларни ижрочилар ва аҳолига етказиш қандай тартибга солинганлиги, унинг турлари, шакли, ўрни ва аҳамияти, фикримизча, шу вақтгача етарли даражада ёритилмаган. Сохибқирон "Темур тузуқлари"да: "Карвонсаройларни доимий озода ва ёруғ сақласинлар, йўл устига кузатувчи ва соқчалар қўйсинлар, халқ орасидаги солиқ ишлари ва унинг миқдори тартибга олинсин, тузуқлар асосида амалга оширилишини таъминласинлар", деб кўрсатма берган.

Туркистонда Россия босқинидан кейин қонун ҳужжатларини ижрочилар ва аҳолига етказиш жараёнида маҳаллий аҳоли ҳуқуқлари ҳар томонлама чеklangан эди. Масалан, насроний динида бўлмаган киши темирўй бош устaxonасида ёки депосида машинист, кондуктор, чилангар ва ўт ёқувчи бўлиб ишлаши мумкин эмас эди.

Қолоқлик ва жаҳолат, ўлка аҳолисининг янчли аҳоли, Туркистоннинг Европа ва жаҳон цивилизациясидан орқада қолиб кетиши, исломнинг оёқ ости қилиниши шароитида бундай оғир фожиали ҳаётдан қутулиш, эрк ва озодликка эришиш ҳақидаги гоғялар ўз замонасининг илғор зиёли қатламларида пайдо бўлиб, чор мустамлакачилигига қарши курашиш биринчи ўринга чиқиб берган.

Инсон ҳуқуқлари, давлат ва шахсининг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш совет даврида ўта кучли ва турли кўринишдаги мафкуравий босим остида бўлиб, энг "ёпиқ" мавзулардан бири ҳисобланган. Бу даврда таттоки айрим "натияжалар"ни шубҳа остига олиш, илғор хорижий ҳуқуқий таърибага мурожаат қилиш хавфли таҳдид деб талкин

қилиниб, "тузумни қоралаш", "давлат асосларига таъвоуз қилиш", "маънавий тамойиллардан чекиниш" деб эътироф қилинган.

Мустабид тузум 70 йилдан кўпроқ вақт мобайнида халқ устидан зўравонлик қилиш ҳисобига сақланиб турди. Шу даврда қонун ҳужжатларини ижрочилар ва аҳолига етказиш давлат бошқарувининг маъмурий буйруқбозлик тизимида ўзининг барча салбий кўринишлари билан қарор топди.

Бу даврда ҳуқуқий ҳаёт шу қадар ўзгариб бордики, миллийлик ўрнига байналмилаллик устувор қилиб қўйилди, миллий қадриятлар, аъёна, урф-одатлар ва кўп асрлик маънавий мерос оёқ ости қилинди. Ўз ўзидан равшанки, бундай шароитда қонунларни ижрочилар ва аҳолига етказиш ҳам кўпроқ шийорбозлик тавсифига эга бўлиб қолган эди.

Шундай қилиб, янги тартиботни ўрнатувчи ҳужжатларни ижрочилар ва аҳолига етказиш ўз ривожланиши жараёнида 4 та асосий тарихий босқичдан ўтган. Антик даври билан боғлиқ бўлган биринчи босқичда бу масалада илтидоий жамоа қадриятлари устидан қилган. Генеизининг иккинчи босқичи кулдорлик тузуми даври билан боғлиқ бўлиб, бунда индивидлар ўртасидаги шахсий тобелик ижтимоий муносабатларнинг шакллари белгилаб берган. Учинчи босқич вертикал ва горизонтал алоқалар билан тавсифланган. "Вертикал" бўйича ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ҳўқмонлик ва итоткорликка, яъни тобеликнинг вассаллик тамойилига асосланган. Шахсининг жамоа азоси сифатида тенг ҳўққуда бўлиши "горизонтал" тарздаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар асосида қурилган. Мазкур генеизининг тўртинчи босқичида ижтимоий ҳаётнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жиҳатлари муҳим аҳамият касб этган.

Эндиликда қонун ҳужжатларини ижрочилар ва аҳолига етказиш тараққиёт мезони сифатида мустаҳкамланиб, жаҳондаги барча давлатларда ривожланиб бормоқда. Шу асосда мазкур масаланинг самарали ечими ҳар қандай давлатнинг тобора юксалиши, турмуш тарзининг яхшиланиши, иқтисодий фаровонлик даражасининг ўсиши, халқаро муносабатларда давлат мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Зеро, қонун ҳужжатларини ижрочилар ва аҳолига етказиш барча жаҳонларни қамраб олиб, улар таъминланган давлат ижтимоий инқироз билан боғлиқ бўлган турли ноумувфиқликлардан холи бўлиб, чинакам демократик ҳуқуқий давлат сифатида шаклланиб боради.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек: "Бугунги кунда биз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуришга қаратилган олим ва оғир йўлнинг фақат бир қисминигина босиб ўтдик, холос. Унинг ҳал қилувчи қисми ҳали олдинда. Яъни бу йўлда ўз ечимини қўтиб турган вазифаларимиз қамайгани йўқ, аксинча, замон талаби билан уларнинг қўлами ва миқёси тобора кенгайиб бормоқда".

Шу нуқтаи назардан, қонун ҳужжатларини ижрочилар ва аҳолига етказиш бўйича соҳавий фаолиятни такомиллаштириш борасида мамлакатимизда кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент ҳужжатлари, Олий Мажлис қарорлари, Конституциявий суд қарорлари, Ҳукумат қарорлари, вазирликлар, идоралар ва давлат қўмиталарининг давлат рўйхатидан ўтган қарорлари эълон қилинадиган "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами" 2000 йилдан буён мунтазам нашр этилмоқда.

Ихтисослаштирилган "Адолат" наشريёт давлат қорхонаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги 16 та кодекси сўнгги ўзгаришлар ва қўшимчалар билан чоп қилинмоқда.

Кейинги пайтларда қонун ҳужжатларининг соҳавий тўпламларини яратишга эътибор қўлади. Жумладан, адвокатурга оид, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларини лицензиялашга оид, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига оид қонун ҳужжатлари каби соҳавий тўпламлар жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг юксалишига хизмат қилмоқда.

Қонун ҳужжатларини аҳоли ўртасида тарғиб қилиш, нашр этилаётган расмий нашрлар ҳақида хабардор қилиш максатидан 100 дан ортқ ҳуқуқий нашрлар кўргазма-ярмаркалари ва сайёр савдолар ташкил этилди.

Қонун ҳужжатлари маълумотларини "Lex.uz", "Norma", "Yurida" дастурлари орқали ижрочиларга ва аҳолига етказиш каби интернет хизматларидан фойдаланишининг самарадорлиги мунтазам ошиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги веб-сайтида янги қонун ҳужжатлари жойлаштирилиб боришмоқда. Унда "Ижтимоий шериклик тўғрисида", "Тижорат сирини тўғрисида" ва "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги каби қонунларнинг шарҳлари билан ҳам танишиш мумкин.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг идоравий сайтларида ҳам қонун ҳужжатлари ҳамда уларнинг илмий-амалий шарҳларини жойлаштириш амалиёти такомиллашиб бормоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларида қонун ҳужжатлари "назорат" ҳолатида бўлишини таъминловчи ягона ихтисослаштирилган тармоқлар жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган қонунчилик тарғиботини кучайтириб, янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан мақолалар оммавий ахборот воситаларида мунтазам чоп этилишини мувофиқлаштириб бормоқда. Қонун ҳужжатларини ижрочилар ва аҳолига етказиш вазифаси юклатилган барча идора ва муассасаларда қонун ҳужжатларининг расмий манбаларига марказлаштирилган обуна ташкил этилмоқда.

Таъкидлаганидек, доимо ўрганиш, изланиш, янгиликка интилиб яшаш керак. Фикримизча, қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатишининг мақсади, вазифала-

Толлжон УМАРОВ,
Бош прокуратура Матбуот хизмати бошлиғи ўринбосари

ри ва принциплари, шу жумладан, расмий тарқатмаларни юбориш тартиби ва мундтавлари, қонун ҳужжатларини ижрочилар ва аҳолига етказишининг белгиланган талабларини бузганлик учун жавобгарликка оид ҳуқуқий қоидалар янада аниқлаштирилиши лозим.

Қатор хорижий давлатларда қонун ҳужжатларини чоп этиш ва тарқатиш, уларнинг ижрочилар ҳамда аҳолига ўз вақтида ва тўлиқ етказилиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўғри ўзлаштирилишини таъминлашга оид ҳуқуқий қўлавлар ишлаб чиқилган.

Хусусан, расмий манбаларни тарқатиш вақти, мундтавлари ва таркиби (Россия Федерацияси), қонун ҳужжатларини қайта чоп этиш тартиби (Молдова Республикаси), ҳуқуқий маълумотларнинг эталон базасини шакллантириш ва нотўғри ҳуқуқий маълумот тақдим этганлик учун жавобгарлик (Беларусь Республикаси), эталон банк маълумотларига мувофиқлик экспертизаси ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни чоп этишга рухсат бериш (Қозғистон Республикаси) каби мажбурий ҳуқуқий қоидалар қонун ҳужжатлари етказилиши устидан назорат механизми, белгиланган талабларнинг бузилиши учун жавобгарлик масалаларини ўз ичига олган.

Фикримизча, қонун ҳужжатларини ижрочилар ва аҳолига етказиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш, биринчидан, расмий тарқатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳудудий органларга ҳамда ташкилий бўлинмаларга вақтида етказилиши, қонун ҳужжатлари "назорат" ҳолатида бўлишини таъминлашининг таъсирини тизимини йўлга қўйиш; иккинчидан, янги қонун ҳужжатлари ҳақидаги мақолаларни оммавий ахборот воситаларига жойлаштириш; учинчидан, идоравий сайтларга қонун ҳужжатлари матнлари, эксперт, олим ва мутахассислар томонидан берилган тушунтириш ва шарҳларни жойлаштириш; тўртинчидан, янги қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш юзасидан теле ва радио дастурларининг махсус сонини тайёрлаш; бешинчидан, қонунларни муҷассамлаштириш ва уларнинг тарғиботи бўйича ижобий иш таърибасини оммалаштиришни ҳар томонлама рағбатлантириш учун зарур бўлган шароитлар ва имкониятларни яратиб беради.

Шундай экан, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга ва аҳолига етказиш борасида мунтасадди идоралар, оммавий ахборот воситалари ҳамда жамоатчиликнинг ҳамкорлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, оммавий ахборот воситаларида чиқаришнинг сифатини яхшилаш, соҳавий фаолиятнинг самарадорлигини оширишга қаратилган назарий ва илмий-услубий тадқиқотларни жадаллаштириш, соҳада мавжуд ижобий ишларни кенг оммалаштиришга эътиборни янада кучайтириш лозим бўлади.

Тегишли жазога тортилды

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқи ҳисобланганидек, бу фаолиятни тўхтатиш ёки тугатиш ҳам уларнинг ҳуқуқлари саналмайди. Шунинг учун бу сай-харакати мажбурий тугатиш фақат суд қарори билан амалга оширилиши мумкинлиги ишбилармонларнинг эркинлиги кафолатланганлигидан далолат беради.

Фуқаро Бахтиёр Миродлов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўзи раҳбарлик қилган масъулияти чекланган

жамиятни тугатиш борасида судга мурожаат этади.

Хўжалик судининг қарори билан танишган суд бошқарувчиси Шавкат Ойбеков ҳужжатлари келиб тушган жамиятни тугатишда иш ҳажми катта бўлганилиги учун ўз таниши ва касбдоши Бектемир Нўмоновни гўёки амалий ёрдам кўрсатиш учун чақиртиради. Б.Нўмонов эса турли баҳоналарни рўқач қилиб, жамият фаолиятининг ишга

доир бўлмаган ҳужжатларини тадбиркордан тақдим қилишни сўрай бошлайди. Агар айтгани бўлмаса, тегишли ҳужжатларни йиғиб, унга нисбатан материаллар тузиб, яна қўшимча ҳолатларни аниқлаш ва хизмат ваколатларида доир ҳаракатларни содир этиш билан таҳдид қилади. Сўнгра эса мулоҳима билан мазкур тугатиш ишининг ижобий ва осон ҳал бўлиши борасидаги "кели-

Муҳаммад АЗИМОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛДҚ департаменти бўлим катта инспектори

шув"га чорлайди.

Ҳуқуқбузарларнинг қинғир ишига департаментнинг Учтепа туман бўлими ходимлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда барҳам берилди.

Банкрот бўлган корхоналарни тугатиш масаласи белгиланган тартибда ҳал қилиниши қонун ҳужжатларида белгиланган бўлса-да, суд бошқарувчилари Б.Нўмонов ва Ш.Ойбековлар ўзаро тил бириктириб, жамият раҳбари Б.Миродловдан жамиятнинг тугатиш ишларини тезлаштириб бериш ва уларга нисбатан чора кўрмаслик эвазига пора тарикасида 2000 АҚШ долларини олган вақтда ашёвий далиллар билан ушланди.

Ҳуқуқбузарларга нисбатан суд томонидан тегишли жазо белгиланди.



Маълумки, пулфурӯшлик қонун йўли билан таққиланган. Шундай бўлса-да, айрим кимсалар ҳамон ушбу ноқонуний фаолиятни ўзларига касб қилмоқдалар. Тошкент шаҳрида ўтказилган тадбирда ана шундай кимсаларнинг фаолиятига чек қўйилди.

Фаолиятига чек қўйилди

Зиёдбек ҲОЛИКБЕРДИЕВ,
СВОЖДЛДҚ департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим бош суриштирувчиси

Шарофат Омонова ва Серик Сайдиевлар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўзаро жиноий тил бириктириб, ноқонуний фаолият олиб боришани фош этилди. Пулфурӯшлар назорат харидчига 100 АҚШ долларини сотаётган вақтда департаментнинг шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан ушланди. Улар бошқарувидagi машина кўздан кеңирлганда, у ердан турли давлатларнинг валюталари сотиш учун сақлаб қўйилганлиги аниқланди. Хусусан, уларга тегишли бўлган 112 млн. 600 минг сўм, 10700 Россия рубли, 23300 АҚШ доллари, 28200 Қозоғистон тенгеси ва 710 евро ашёвий далил сифатида олинди.

Шунингдек, Ш.Омонованин қонунариமிழни четлаб ўтгани учун аввал ҳам икки марта судлангани ҳам аниқланди. Унинг ҳамтовоғи С.Сайдиевнинг ҳам қора курсини бир марта банд қилишга улгургани маълум бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Миробод туман судида бу кимсаларнинг қилмишлари кўриб чиқилди. Суд ҳукмига кўра, Ш.Омонова ва С.Сайдиев энг кам иш ҳақининг уч юз баробари миқдоридa жарима тўлайдиган бўлишди. Уларга тегишли пуллар эса давлат эғалигига ўтказилди.

Ўзбошимча «тадбиркор»

Марат ЮНУСОВ,
СВОЖДЛДҚ департаментининг Тошкент вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи

Автомобиллар сонининг кўпайиб бориши уларни сақлаш учун етарлича автотураргоҳлар қуришни талаб этади. Айниқса, шаҳар жойларда, бозорларнинг атрофида бунга талаб ва эҳтиёж тобора ортмоқда. Шу маънода автомобилларни қўйиш жойларини қуриш, улардан фойдаланиш тартиб-қоидалари давлатимиз томонидан ҳуқуқий тартибга солинган.

Мана шу қоидаларни Зангиота туманидаги "Nigoh-vzglyd" хусусий фирмасининг раҳбари О.Каримов унутиб қўйган шекилли, у автомашиналар учун вақтинча тўхташ жойи қуради ва фойдалана бошлайди. Тошкент вилоят ҳокимининг 2013 йил 4 февралдаги қарорига асосан, ҳудудда автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш хизмати учун қонуний тўлов миқдорлари белгилаб қўйилган бўлса-да, О.Каримов унга амал қилишни истамайди. Мазкур қарорга кўра, вилоят ҳудудидаги автотураргоҳлар учун автомашина эгаларидан автомобилни турган вақтига қараб 1500 сўмдан 2600 сўмгача тўлов ундирилиши белгиланган. Лекин О.Каримов бу ҳужжатга амал қилмасдан ҳар бир машина эгасидан 5 минг сўмдан тўлов ундириб олаверади. Бу ҳам етмагандек, у солиқ тўловларини тўлашдан бўйин товлайди. Текширувларда бу шахс 2012-2014 йилларда жами 49 млн. 600 минг сўмлик қатъий белгиланган солиқ ҳисоботларини топширмасдан келаётгани аниқланди. Шунингдек, унинг 864 кв.м. ер майдонини ноқонуний ўзлаштириб олиб, ундан фойдаланиб келганлиги ҳам маълум бўлди.

Бу ишни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Зангиота туман суди О.Каримовга қилмишига яраша жазо тайинлади.

Маҳалла халқни ижобий ишларга йўналтирувчи, тарбияловчи ташкилот экани боис, маҳалла аҳли ўзлари ишонган, хайри-хоҳлик билдирган маҳалладошларини оқсоқликка сайлашди. Оламлар ишонч билдирган раис эса ҳузулдаги ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий масалаларни қонун доирасида ҳал этиб, маҳалладаги ишларга бош-қош бўлиши керак. Аммо Шофиркон туманидаги "Пашмон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси маҳалладошларининг ишончини оқламади.

Юртимизда тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ишбилармонлардан эса соҳага тегишли бўлган қонун-қоидаларга риоя этиш талаб этилади, холос. Аммо баъзида бу қонуний талабни унутиб қўяётган тадбиркорлар ҳам учраб турибди.

Фориш туман "Хонбанди" маҳалласида яшовчи Нафиса Ботирова муқаддам маъмурий жаримага тортилган эди. Аммо у бундан ўзига тўғри ҳулоса чиқармади. Н.Ботирова "Хон-

Ишончни оқламаган раис

Фуқаро С.Акбарованин (исм-фамилиялар ўзгартирилган) учки ёшга тўлмаган фарзанди укин берилмаётган нафақа пули бир йилга бормай тўхтатилди. У маҳалла фуқаролар йиғини раисига мурожаат қилган эди, раис нафақани олишни давом эттириш учун зарур ҳужжатларни олиб келишини тайинлади. У эртасигаёқ сўралган ҳужжатларни келтириб топширди. Раис уларни қабул қилиб олар экан, ишнинг тез битиши учун "хизмат ҳақи"га шамма қилади. Ўзи ёрдамга муҳ-

тож бўлган С.Акабарова раис сўраган 100 мингги топа олмай, 70 минг сўм келтириб берди.

Берилган пулнинг чўғи камлик қилгани, орадан тўрт ой ўтди ҳамки, нафақадан дарак бўлмади. Пулдан умидвор бўлган С.Акабарова бир неча бор раисга учрашди. Ҳар сафар ундан бир хил жавоб оларди: "Пул йўқ, тушса албатта, бераман". Оқсоқолнинг муддаосини С.Акабарова тушунавермагач, у ниятини очиқ айтиб, яна 100 минг сўм сўради. Бу сафар раиснинг тала-

Учун РАЗЗОҚОВ,
СВОЖДЛДҚ департаментининг Шофиркон туман бўлими бошлиғи

бини бажара олишига кўзи етмаган С.Акабарова тегишли жойга мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Маҳалла раиси С.Расулов ўз хизмат ҳонасида сўраган маблағини олган пайтида ушланди.

Суд ҳукми билан С.Расулов бу қилмиши учун тегишли жазога тортилди.

Савдодан чиққан ҒАВҒО

Бобир АБДУРАИМОВ,
СВОЖДЛДҚ департаментининг Фориш туман бўлими бошлиғи

банди" шаҳарчасида жойлашган савдо дўконида қонунда белгиланган тартибда рўхсатнома олмасдан спиртли ичимликлар сотиш билан шуғуллана бошлади.

"Қўза кунда эмас, кунда синида", деганларидек, у "харидор"га ароқнинг ҳар бир шишасини 6500 сўмдан, пивонинг ҳар бир идишини 4500 сўмдан ҳисоблаб сотаётганида ашёвий далил билан қўлга олинди. Унинг савдо дўкони ҳолислар иштиракида кўздан кеңирлганда, у ердан 17 дона 0,5 литрли ароқлар, 2 дона 1,5 литрли, 8 дона 0,5 литрли пиво ичимлиги ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштириб олинди.

Бу спиртли ичимликлар туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази лабораториясида текширишдан ўтказилганида, истемволга яроқсиз эканлиги маълум бўлди. Агар бу ичимликлар сотилиб кетганида истемволчиларнинг соғлиғига путур етказиши мумкин эди.

Жиноят ишлари бўйича Фориш туман суди ишни атрофича ўрганиб, Нафиса Ботировага икки йил ахлоқ тузатиш иши жазосини тайинлади.

Миллатнинг эртанги кунига аввало оилада поқдевор қўйилади. Ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи авлод ҳам айнан оилада шаклланади. Шунинг баробарида, оиланинг мустаҳкам бўлиши кўп жиҳатдан аввало оила қураётган икки ёшнинг саломатлиги, маънавий фазилатлари, оила ва жамият олдидagi бурч ва мажбуриятларини чуқур англаб етишига боғлиқ бўлади. Оила мустаҳкам бўсагина жамият тараққий этади.

Шундай экан, эр-хотин муносабатларини тартибга солинадиган умуминсоний кадриятлар, ўзаро меҳр-муҳаббат, ҳурмат-эътибор, оилага садоқат асосида оила муқаддаслигини белгилаб берувчи қонун ҳужжатларини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Оилада соғлом муҳитни яратиш, оила аъзоларининг саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган эътибор ҳам бундай хайрли ишларнинг узвий бир бўлаги ҳисобланади.

Албатта, ушбу сабъ-ҳаракатларнинг барчаси келажакимиз эртаси бўлмиш ёш авлоднинг соғ-саломат, ақл-хушли, меҳр-оқибатли, баркамол вояга етиши учун амалга оширилмоқда. Ушбу ҳаракатларимиз натижа-си сифатида эгалланган билими билан фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаётган, спортнинг турли йўналишлари бўйича Гран-при, жаҳон биринчилиги-ю, ёзги ва қишки олимпиадаларда юртимиз байрогини баланд кўтарган ёхуд коллежни битирган, пухта ишланган бизнес лойиҳаси орқали банкдан имтиёз-



ли кредит олиб, тадбиркорликни йўлга қўйган, ҳам оиласига, ҳам жамиятга нафи тегаётган умидли ёшларимизни ҳар қанча мисол қилсак, улар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Шу ўринда яна бир бор алоҳида қайд этиш лозимки, уларнинг бундай натижаларга эришиши ўз-ўзидан бўлиб қолмаган. Албатта, аввало оиладаги тарбия, ташқи муҳит, ён-атрофдаги дўстлари ҳам уларнинг маънавий оламига ўз таъсирини ўтказган.

Энди танганинг иккинчи томони ҳам бор деганларидек, ҳаётда ўз ўрнини топишга қийналиб, аро йўлда қолганлар, гоҳида эса жиноят йўлига кириб кетганлар ҳақида икки оғиз мулоҳаза. Назаримизда, бундайларнинг аянчи аҳволга тушиб қолишларига ҳам оилавий муҳит, ташқи ва ички ҳамда ёру дўстлари ва бошқа омиллар сабаб бўлади. Шунингдек, ҳаётда омади юришмаганларнинг аксарияти бунга ўзини эмас, ён-атрофдагиларни сабабчи қилиб кўрсатади. Бироқ нима бўлганда ҳам, инсоннинг вақти келиб билиб-билмай жиноятга қўл уриши кўп ҳолларда аввало унинг қандай оилада ўсиб-

улгайгани-ю, қандай тарбия топганига боғлиқ.

Бир оила ҳақида эшитган-ди. Эр-хотин турмуш қургач, анча йил бирга яшади, бироқ тақдир экан, фарзанд кўришмайди. Маслаҳатлашиб, меҳрибонлик уйдан бир болани асраб олишди. Йиллар ўтиб, болакай вояга ета бошлади. Бироқ оиладаги муҳит лозим даражада бўлмади. Ота бўлмиш бедана билан урушқоқ хўрозларга шу даражада меҳр кўрсатади-ки, ҳатто қиш пайтларида улар учун ўзи ётадиган хонада алоҳида қўноқ тайёрлаб қўяди. Буни қарангки, бозордан атайин гўшт олиб келиб, хўрозни парваришлаб, "жанг"га тайёрлашнинг урдасидан чиққан ота ёлғиз ўғлидан меҳрини дариг тутди. Боланинг юриши-туриши, ўқиши-ю, қачон уйга келиб, қайси пайт кетганини назорат қилишни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Унинг учун беданаси сайраса-ю, бобок хўрози "жанг"ларда голиб чиқса бас, қолгани билан зигирча иши йўқ.

Она қаяққа қаради дерсиз?! Кўз очиб кўрган эрининг гапидан бир қадам ҳам четга чиқмайдиган, куну тун ҳовлидаги юмушлардан ташқари, товуқ-

хўрозлар-у беданаларни ҳам имкон даражасида парваришлаш билан овора аёлнинг ўғил билан "иши бўлмайди". Аниқроғи, энди ўғли билан шуғулланаман деса, эридан дакки эшитилади.

Хуллас, ота-она эътиборидан четда қолган ўғил катта бўлгани сари вақтини кўчада ўтказадиган, гап қайтарадиган, ўжар бўла бошлади. Аввал чекишни, сўнгра спиртли ичимлик ичишни ўрганади. Гоҳида икки-уч кунлаб уйга келмайди. Отасининг шунда ҳам парвои палак. Кўп ўтмай ўғил гиёҳвандлик кўчасига қадам қўяди. Қўлга тушиб, жиноий жавобгарликка тортилади. Жазони ўтаб чиққач, оила қуради, уч нафар фарзандли бўлади. Аммо "ўрганган кўнгли — ўртанса қўймас", деганларидек, яна "қуруғи"га интилади. Бу сафар ёнидан каттагина микдорда гиёҳвандлик воситаси чиқиб, анчагина муддатга озодликдан маҳрум этилади. Бу орада ота-онаси дунёдан ўтишади.

Касалликка чалиниб, озодликка чиққанда эса балогатга етиб қолган ўғиллари ҳам аллақачон унинг изидан кетишган эди. "Қуш уясида кўрганани қилади", деганларидек, бу пайтга келиб катта ўғил спиртли ичимликсиз туролмайдиган бўлиб, кичкиниси эса аллақачон "банги" деган ном ортиради.

Эшитишимга қараганда, яқинда ота ҳам оламдан ўтибди. Икки ўғил судланиб, уйда эса эрдан ажрашган қизи билан онанинг ўзи қолибди.

Ушбу мисолдан ҳам кўриб турибмизки, тарбия масаласи-

Бегод ЛАТИПОВ,
Бош прокуратура бошқарма
АМИБ терговчиси

да биринчи галда оиланинг ўрни бекиёсдир. Бундан ташқари, руҳшунсларнинг таъкидлашларича, оилада бува билан бувининг бўлиши катта аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг тарбиясини олган бола оқибатли, меҳрибон, катталарга ҳурматда, кичикларга эса изатда бўлиб вояга етаркан. Ахир халқимиз "Богбондан парвариш кўрмаса ниҳол, улгайиб ўсолмас, тополмас камол" деб бежиз айтмаган. Шу маънода, жорий йилнинг "Кексаларни эъзозлаш йили" дея номланишида катта маъно бор. "Қари-си бор уйнинг париси бор", деганларидек, кексаларни қадрлаган албатта, қадр топади. Бу асрлар давомида исботини толган ҳақиқат. Шундай экан, кексаларимизни эъзозлаб, уларнинг оғирини енгил қилиш, ҳурматини жойига қўйиш биз ёшлар учун ҳам қарз, ҳам фарздор. Ушбу қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 66-моддасида ҳам белгилаб қўйилган бўлиб, унга қўра, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Шу ўринда яна бир ҳолат борки, биз асло ёддан чиқармаслигимиз шарт. Яъни, инсон ота-онасига нимаики қилган бўлса, пайти келиб фарзандидан албатта қайтати. Буни эса шоир Носир Хисрав шундай изоҳлаган экан: "Кексага кўмак бер — сунган тоғинг, буни тушунасан қариган чоғинг".

Огоҳлик ва хавфсизлик умумхалқ иши

Тинчликка, маънавий покликка интилиш, мазмунли умр кечириш ҳар бир инсонга хос истак. Зотан, бугунги кунда халқаро вазиятнинг шиддат билан ўзгариб бораётгани, ер юзининг турли нуқталарида янги-дан-янги низо ўқоқларининг пайдо бўлаётгани жаҳон жамоатчилигини жиддий ташвишга солиб, катта хавф-тир уйғотмоқда.

Эрта тонгда уйғониб, дастурхон атрофида ота-онамиз, фарзандларимиз билан йиғилиб, бободоҳтонларимиз этиштирган нознеъматлардан баҳраманд бўлгач, ота-онамиз дуога қўл очиб, ишга кузатишади. Йўл-йўлакай атрофни кузатамиз. Обод кўчалар, кун сайин чирой очаётган маҳалла, янгидан-янги бунёд этилаётган замонавий, кўркам биналарни кўриб, беихтиёр дилдан шукроналик ҳисси ўтади. "Шундай ёруғ кунлар қадрига етишимиз зарур! Тинч, мусаффо юртимизга кўз тегмасин", деймиз.

Сир эмас, тинчликдек буюк неъмат бугунги кунда дунёнинг барча жойида ҳам топилавермайди. Эрталаб уйғонганидан кечгача бомбалар ёмғири оёғайган, асосий дарди инсон жонини асрашгана бўлиб қолган жойлар ҳам бор.

Ана шундай таҳликали вазиятда давлатимиз раҳбарининг ҳаммиса огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз, ўз уйимизни, муқаддас туپроғимизни кўз қорачигидек асрашимиз, келажак авлодларга обод ва овоз Ватан қолдиришимиз тўғрисидаги куюнчаллик билан таъкидлайдиган кўрсатмаларини ҳар бир ватандошимиз жон-дили билан амалга оширишга интилиши, дунёга уйғоқ қалб, теран тафаккур кўзи билан боқиб, ҳаққоний ҳулосалар чиқармоғи даркордир.

Аслини олганда, хавфсизликка солинаётган таҳдидлар анча серқирра. Бу таҳдидлар, гарчи турли минтақаларда турлича кўринишда намоён бўлса-да, инсониятга бир хилда ташвиш туғдир-

моқда. Бу гаразли ҳаракатлар таъсиридан минтақамиз ҳам четда қолаётгани йўқ.

Президентимиз Ислам Каримов ўзининг "Юсак маънавият — енгилмас куч" асарига муросасиз курашиб бартараф этишимиз лозим бўлган иллатлардан бири лоқойдлик эканлигини таъкидлайди. Юртбошимиз фикрича, биронинг ҳаётига, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бетараф ва бепарво қараб, шунчаки кузатувчи бўлиб яшайдиган одамдан кўриш керак. Улар ҳатто ўз халқи, Ватани тақдирига ҳам бамисоли бегона одамдек қарайди. Бундай иллатларга барҳам бериш учун ҳар қайси фуқаро, ҳар қайси инсон, жамият тараққиётига ва уни янгилашга интилиб яшашни, маънавий ҳаётимизни турли таҳдид ва хуружлардан ҳимоялаш йўлида ўз бурчи ва масъулиятини чуқур англаб олиши лозим.

Х, бепарволик, лоқайдликнинг катта-кичиги бўлмайди, тананинг қай бир ўзагида кўринган хасталик белгисига парво қилмаслик дардининг авж олиб кетишига, гоҳида киши ҳаётини хатарга қўйишига сабаб бўлиши мумкин. Худди шунингдек, оилада тарбия борасида сусткашликка йўл қўйилса, фарзанд хатти-ҳаракатига бепарво бўлиб, фурсат бой бериб, умид билан оила қуриб фарзанд ўстирган ота-оналар пушаймонлик, гам-андухдан бошқа нарсага эришмайдилар.

Шунинг учун Президентимиз Ислам Каримов: "Ёшларни ўз фикрига эга, турли маънавий хуружларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойий ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга эришиш лозим", дея таъкидлаган ҳолда бу борада маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъ-

сирчанлигини таъминлайдиган замонавий ахборот ва компьютер технологияларини кенг жорий этиш, жамиятимизнинг мафқуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул-усулбарни ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсия ва қўлланмалар тайёрлаш бугунги кундаги энг муҳим вазифалар эканини кўрсатиб берди.

Юртимизда тинч, ошуда ҳаёт кечираётган, таълим олаётган, касб-хунар ўрганаётган, ҳақоли меҳнати, фидойилиги, ватанга садоқати билан яшаётган ёшларимиз ҳаётига жиддий хавф туғдиряётган, тарбиясига таъсир кўрсатишга уринаётган бундай маънавий таҳдидлардан ҳар биримиз, аввало ота-оналар, кўп сонли устозлар, ҳаёт тажрибасига эга нурунийлар, жамоат ташкилотлари ходимлари — барчамиз огоҳ бўлмоғимиз ва унга қарши тарғибот-ташвиқот орқали фаол курашмоғимиз керак.

Жамиятнинг етуқлиги, равнақи ҳар бир инсоннинг маънавий-ахлоқий камолотига бевосита боғлиқ. Юртимизда баркамол авлодни вояга етказиш борасида ёшлар жамиятда ўз ўрнига эга бўлишларини кафолатлайдиган ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий, гоъвий-мафқуравий тадбирлар тизимли тарзда амалга ошириляпти. Бу тадбирлар ўз ўрнида экстремистик гоъларга қарши тура олиш учун ёшларга мафқуравий иммунитетни шакллантиришга хизмат қилади. Узоқ-яқин мамлакатларда кечаётган хавфли вазиятлар бизни ҳар доим ҳушёрликка, ло-

Зоҳид АЛИМАРДОНОВ,
Тошкент олий ҳарбий
техника билим юрти ўқитувчиси

қайд бўлмасликка чорлаб, жаннатмақон юртимиздаги тинчликнинг қадрига етмоғимиз ва уни кўз қорачигимиздай асрамоғимиз асар қўлганини эслатиб туради.

2015 йил давлатимиз раҳбарининг таклифи билан "Кексаларни эъзозлаш йили" деб номланиши барчамизнинг қалбимизда чуқур мамнуният уйғотгани шубҳасиз. Зеро, жорий йилга бундай ном берилишида жуда катта ҳикмат бор. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ҳар қандай жамиятнинг ёши улуг одамларга бўлган эътибори ва гамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилайди. Соддагина, ўзбекона қилиб айтганда, кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг том маънода ажралмас қисмига айланган. Зеро, халқимиз истиқлол йилларида эришган мислсиз ютуқлар, тинч-осойишта, тўкин ва фаровон ҳаётимиз, навқирон авлодчи ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш замирида кексаларга ҳурмат-иззат кўрсатиш, уларнинг обрў-эътиборини янада юксалтириш сингари халқимизнинг азалий кадриятлари ётибди.

Юртимиздаги тинчлик-осойишталик, тўкинлик, кетмас давлат, файзу барак бичинчи навбатда, давлатимиз томонидан олиб борилаётган оқилона ва доно сийсатнинг самарасидир.

2013 йилнинг 27 ноябрь куни туман ИИБга ариза билан мурожаат қилган фуқаро Марғуба Собирова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўз аризасида 2009 йилнинг январь ойи охирида эри Анвар, қайниси Акбар ҳамда Мансур исмли поччаси 1954 йилда туғилган қайнотаси Саъдулла Собировни бўғиб ўлдирганини, бу ҳақда унга қайниси Акбар айтиб берганини баён қилади.

Буни қарангки, худди шу куни фуқаро Моҳира Собирова ҳам туман ИИБга мурожаат қилиб, аризасида эри Саъдулла Собиров 2009 йил февраль ойи ўрталарида "Қозғистонга ишлаш учун кетдим", деб уйдан чиқиб кетганича, қайтиб келмаганини билдириб, турмуш ўртоғини топиб беришни сўрайди.

Олиб берилган дастлабки тергов ҳаракатлари давомида фуқаро Саъдулла Собировнинг алоҳида белгиларига ўхшаш, ёши тахминан 55-60 ёшлардаги эркак кишининг мурдаси 2009 йил 4 февралда Сергели туманидан оқиб ўтувчи Чортоқ ариғидан топилигани аниқланди.

Ўқоридаги номаълум мурда бедарак йўқолган С.Собировнинг келинига таниб олиш учун кўрсатилганда, у мурданинг юз тузилиши ҳамда алоҳида белгилари асосида мазкур шахс қайнотаси эканлигини тан олади. Шунингдек, гувоҳ тарикасида сўралган Марғуба Собирова 2009 йилнинг тахминан 4-5 февраль кунлари қайниси Акбар унга акаси, яъни турмуш ўртоғи Анвар ҳамда поччаси Мансур билан қайнотасини ўлдириб юборишганини айтиб бергани, у кўриб, қайнотасининг ки-йимларини қараганда, барчаси жойида эканлиги, фақат трикоси билан футболкаси йўқ бўлиб, орадан 3-4 кун ўтгандан кейин эса қайнотаси Моҳира Собирова қариндош ва қўшиларини чалғитиш мақсадида эрини Қозғистонга ишлаш учун кетганини айтганлиги ҳақида кўрсатма беради. Бундан ташқари, қайнотасининг гапи ҳамда қайнотаси йўқолган буюн ўтган салкам беш йил мобайнида на яшashi ва на еб-ичишида ҳаловат бўлгани, оиласининг тинчлиги, фарзандларининг эртасини ўйлагани сабабидан бу ҳақда ички ишлар органларига вақтида хабар қилолмаганини билдиради.

Мазкур ҳолат юзасидан Чортоқ ариғидан топишган номаълум мурданинг шахсини аниқлаш мақсадида Саъдулла Собировнинг 1958 йилда туғилган укаси С.Собиров, турмуш ўртоғи Моҳира Собирова ҳамда 1987 йилда туғилган ўғли Акбар Собировнинг қон намуналарини олиниб, одам ДНКсига оид суд-биологик экспертизаси тайинланади.

Суд-биологик экспертизасининг 2014 йил 28 январь кунги хулосасига кўра, тахминан 55-60 ёшлардаги номаълум эркак кишининг мурдаси 1958 йилда туғилган С.Собировнинг бир ота авлод бўйича ўзаро биологик қариндоши, шунингдек, 1987 йилда туғилган Акбар Собировнинг биологик отаси эканлиги қайд этилади...

Ака-укалар унчалик иноқ бўлмасалар-да, Саъдулла ака ойда бир-икки марта укасининг уйига келиб турарди. Шунда ҳам кўп ўтирмас, ҳол-аҳвол сўраб, чиқиб кетарди. Шу сабабли бўлса керак, ука ҳам аканинг уйида нима гап-сўз бўлаётганидан беҳабар эди. Шунингдек, аканининг ичкиликка ружу кўйганидан хавотир оларди.

Шундан кейин яна уч-тўрт марта уникига келиб-кейтиб турган Саъдулла ака бирдан қорасини кўрсатмай қўяди. Укаси кўп ўтмай келинотасини учратиб қўлиб, акасини сўраганида, "Акангиз ишлаш учун Россияга кетди-ку...", деган жавобни олади.

Орадан икки ойча ўтиб, келинотаси тўсатдан барча қариндошлар қатори уни ҳам чақиради. Акаси тўғрисидаги гапларни эшитган укасининг бошидан хуши учеди. Келинотасининг айтишича, яқинда уйларига қақшадарёлик нотаниш бир одам кириб келибди. Унга турмуш ўртоғи би-



Разолат йўли

Баҳром МАХСИТОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи

лан Россияда бирга ишлагани, бирга маишат қилиб ўтиришганида эри ароқ олиб келишга кетгани, бироқ шу кетганича қайтмагани, эртасига унинг ўлигини топишгани-ю, буни кўриб ўша ердан кетиб қолганини айтиб берганимиш.

Бу гапларга ишонини ҳам, ишонмаслики ҳам билмай қолган ука келинотасидан ўша одамнинг манзили ёки телефон рақамини сўрайди. Келинотаси "Шокка тушиб қолганимдан, бу ҳақда сўраш эсимга ҳам келмабди. Ҳатто исмини ҳам сўрамабман-а! Энди нима қиламиз?", деб жавоб беради.

Бироқ, ука бу гапга ишонмайди. Орада келинотасининг онаси гапга қўшилиб, аза очиб кераклигини айтади. Аммо ука аканининг ўлигини кўрмаганини айтиб, қатъий эътироз билдиради.

Орадан кўп ўтмай бозорда келинотасининг укасини кўриб қолади ва акаси масаласида нима қилишгаётгани билан қизиқади. "Поччамни ички ишлар идораси қидирмоқда. Акангизнинг фотосурати билан паспорти нусхасини топшириб қўйганман", дейди аканининг қайниси.

Бу воқеадан сўнг орадан 4 йилга яқин вақт ўтгач, уйига келинотаси билан жияни Анвар кириб келишади. Келинотаси унга Акбар хотини билан ажрашганганини айтади. Шунингдек, келини нима сабабдан эри билан қайниси қайнотасини ўлдириб юборган, деган мазмунда ИИБга ариза берганини ҳам гапириб беради. Шу сабабли келинотасини ундан милицияга бориб, акаси ўлмагани, Россияга кетиши олдиндан "Ука, мен ўша ёққа кетаяпман. Агар менадан хат-хабар бўлмаса, қидирманлар. Ҳеч қаёққа хабар ҳам берманлар", деб тайинлаган эди", дея тушунтириш хати ёзиб беришни илтимос қилади, агар шундай қилса, оила тинч бўлишини ҳам қўшиб қўяди.

Бу гапдан уканинг жиғибойрони чиқиб кетади. Акаси Россияга кетишини айтганича, ука ҳақда келинотасининг ўзидан эшитганини айтиб, нима учун ёлгон тушунтириш хати ёзиб бериши кераклигини сўрайди. Келинотасига унинг укасини бозорда кўрганда қидирувга бердим деганини эслатиб, янгилик бор-йўқлигини сўрайди.

Келинотаси бу сафар ёлгон гапиролмайди: қидирувга расмий тарзда беришмагани, укаси фақатгина шунчаки суриштирилганини тан олади. Ука милицияга боришни ваъда қилган, она-бола чиқиб кетишади. Аммо ука ҳеч қаёққа бормайди...

Саъдулла ака (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳақиқатан ҳам сўнгги пайтларда спиртли ичимликларга ружу қўйган эди. Бундай пайтда айрим хонадонларда уруш-жанжал авжига чиқади. Афсуски, Саъдулла аканинг уйи ҳам ушбу ҳолатдан мосуво эмасди. Маълумки, оилавий муҳит рисоладагидек бўлмаганда тарбия ҳам издан чиқади. Балки шунинг учун ҳам унинг иккинчи ўғли Акбар муқаддам икки марта судланганга улгургандир!

Устига-устак, Саъдулла ака оила аъзолари олдида уйни сотиш масаласини кўндаланг қўйиб, пулни тенг ярмини олишга даъвогар бўлади. Табиийки, бу бошқаларга ёқмайди, нима қилиб бўлса-да, уни фикридан қайтаришга ҳаракат қилишади.

Вақти келиб, бунинг йўлини ҳам топишади. Аммо... бу разолат йўли эди.

Ака-ука атак-чечак бўлиб, қадам ташлаётганларида оталари қандай хурсанд бўлганини, ишдан қайтган маҳал ўғилларини хурсанд қилиш учун қўйни-қўнжини тўлдириб келганида унинг қаршисига отилиб чиққан пайтларини унутадилар. Афсуски, отанинг ичиб келиб, тўполон қилиши-ю, уй сотилган тақдирда олинадиган пулга бўлган "мехр" отага бўлган меҳрдан минг чандон ошиб тушади. Энг ачинарлиси, уларга почча, яъни холанинг эри Мансур бош-қош бўлади. Ака-укани бундай разил йўлдан қайтариш ўрнига ёши олтимишга қараб кетаётган бир пайтда ўзи уларга бош-қош бўлади, қабиҳ жиноятга шериклик қилади.

Ўша куни келишилганидек, катта ўғил, яъни Анвар хотинини турли баҳоналар билан уйига жўнатади. Шунингдек, Акбар ҳам кўчадан келган онасини кўтиб олади ва уни кўрган заҳоти отаси мастлигини, ўлдирман, деб ўтирганини айтиб буви-синикига боришга қўндиради. Ўзи эса уйга кириб, шундоқ ҳам кайфи бор отасига яна ароқ қўйиб бера бошлайди. Ота бояқиб ўзини бошқаролмай қолган, уни чалиб йикитиб, бўғиб олади... Шу пайт уйга Анвар кириб келади. Ўзаро маслаҳатлашиб, поччаси Мансурга қўнғироқ қилишади. Мансур кириб келади-ю, божасининг жон талвасасида хириллаётганини кўриб, юнга ёрдам бериш ўрнига, "иш"ни охирига етказиб қўйишни маъқул кўради ва шу ерда ётган ёстиқни Саъдулла аканинг юзига босади... Бироз вақт ўтиб, унинг ўлганига ишонч ҳосил қилишга, мурдани полиэтилен қолға солишда ва ярим тунда поччанинг машинасига ортиб, Сирғали туманидан оқиб ўтувчи ариқча ташлаб юборишади.

Эртасига эса ўзаро келишиб олишади ва қариндош-уруғларни йиғиб, Саъдулла ака Россияга жўнаб кетгани ҳақида гап тарқатишади. Анварнинг хотини келганида эса қайниси Акбар дабдурустдан келинотасига энди кўркмасдан, тинчгина яшайверишини айтиб, уни хотиржам қилган бўлади. Аёл нима учун бундай дейётганини сўраганида, отасини ўлдириб қўйгани ҳақида гапириб беради. Бу гапдан келиннинг эси чиқиб кетаёзди. Унга ишонмайди, бироқ қайниси акасига айтмаслиқни тайинлайди. Келин эри ишдан келгунча зўрга чидайди. Анвар келган, қайнисининг гапини айтиб бера, эри укаси ҳазиллашганини айтади. Эртаси куни нима учун акасига эшитганини айтгани ҳақида келинотасидан сўраб, жаҳли чиққан қайниси бу ҳақда ҳазиллашгани, отаси Россияга кетганини айтиб, уни хотиржам қилади...

"Қинғир ишининг қийғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади", деганларидек, мазкур жиноят ҳам салкам беш йил деганда фош этилди. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди томонидан отанинг жонига қасд қилган ўғиллар ҳамда уларнинг қариндошига қилмишларига яраша жазо тайинланди. Унга қара, катта ўғил Анвар 16 йил, укаси Акбар 19 йил, уларнинг поччаси Мансур Жалилов эса 19 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Муқаддам уч маротаба ўғирлик жиноятлари учун судланиб, жиноий жавобгарликка тортиган Шариф Мусаев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) яна жиноят содир этди. Бу сафар у фақатгина ўғирлик билан чекланиб қолмасдан қотилликка ҳам қўл урди.

Кўрнамак

Хурсанали РАПИҚОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта терговчиси

Бувайда туманидан Янгийул тумани Халқобод ҚФЙга иш излаб келган Шариф Мусаевни доимий ва вақтинча ашш қоидаларини бузганлиги учун профилактика инспектори Халқобод ИИБга олиб келади. Шу вақтда бу ерга Халқобод ҚФЙ, Миришкор маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Толибжон Алимов ўз иши билан келиб қолади. У бу ерда Шариф Мусаевни учратиб, унга раҳми келади. Унга 30 бош қора моли борлигини, ишчи кераклигини айтиб, иш тақдир қилади ҳамда уй манзилни айтади.

Профилактика инспектори Шарифни маъмурий жавобгарликка тортиб, у тўғри Толибжон Алимовнинг уйига йўл олади. Шу кундан бошлаб у Толибжон аканинг молларига ва дала ишларига келишилган ойлик маош эвазига қарашиб юради.

Аваллаги бийойидек ишлаб юрган Шарифнинг "эски дарди" кўзида. Урганган кўнгил ўртанса қўйма, деганларидек, унинг кўнги яна кўпроқ пул топишни истаб қолди. У ўзинча турли режалар тузди. Тузган режаларининг ўзи учун энг маъқулини танлаб, ишга киришди.

Хонадон бекаси Малика Алимова эрталаб эрини ишга, фарзандларининг бирини институтга, бирини мактабга жўнатиб, ўзи уй ишлари билан банд бўлди. Бу пайтда Шариф Мусаев тузган режасини пухта амалга оширишда куч бериши учун беркитиб қўйган ариғидан ичиб олди. Ичига кирган шайтон суви уни "шер"га айлантирди.

Сигирларни соғиш учун молхонага кириб кетган хонадон бекасининг ортидан севдирмасдан кириб борди ва олдиндан беркитиб қўйган кувалда билан сигир соғаётган беканинг бошига урди. Қўзи қонга тўлган қонхўр ерга йиқилиб, ёрдам сўраётган беканинг бошига яна кувалда билан зарба берди. Унинг жон таслим қилганига ишонмай аёлнинг бошига ўша жойда турган кетмон билан яна кетма-кет зарба берди...

Котил аёлнинг қўл-оёқларини арқон билан боғлаб, кувалда ёрдамида хонадондаги темир сейфни очига киришди. Сейфдан 4 млн. 200 минг сўм пул, 10 минг АҚШ доллари ва умумий қиймати 5 млн. сўмлик 3 дона аёллар тилла занжирини олиб, жуфтаникни ростлади...

Малика опанинг кичик ўғли Равшан мактабдан уйга келган, сейфнинг эшиги бузилиб ерда ётганини, хонадаги уй жиҳозлари эса бетартиб ва ҳамма ёқ қон излари эканини кўрди. Шунда у отасига қўнғироқ қилиб, онасини топа олмаётганини, ҳамма ёқ бетартиблигини айтиди. Бундан хавотирланиб йўлга тушган Толибжон акага ўғли яна қўнғироқ қилиб, онасининг молхонада қонга беланган ҳолда нафас олмасдан ётганини айтиди.

Толибжон ака уйга келганида ИИБ ва прокуратура ходимлари кўни-кўшилар, холислар иштирокда хонадонни кўздан кечиришгаётган эди. Хонадон юмушларига қарашиб юрувчи Шариф Мусаевнинг тўсатдан гойиб бўлгани уларда шубҳа уйғотди...

Тезкор тадбирлар натижасида Шариф Мусаев ашёвий далиллар билан қўлга олинди. У барча айбини бўйнига олди.

Халқимизда яхшиликни билмайдиган, кўрсатилган ҳимматга ёмонлик билан жавоб қайтарганларга нисбатан "Тузини еб, тузлигига тупурди", деган гап бор. Бир сўз билан айтганда, халқимиз ундайларни кўрнамак дейишади.

Суд судланувчига нисбатан 21 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Кичик тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари



Конституциямизнинг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклларидаги мулк ташкил этиши, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устуналигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларидаги тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этилишини кафолатлаши белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиёти шароитига ўтиш даврида босқичма-босқич амалга оширилди. Иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичлариданоқ мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга, турли мулк шаклларидаги тенг ҳуқуқлилигига таянувчи кўп укладли иқтисодиёт тизимини барпо этишга алоҳида эътибор берилди.

Мустақилликнинг дастлабки давридан бошлаб соҳага оид қатор қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни тадбиркорлик эркинлиги моҳиятини янада кенгроқ очиб берди.

Жаҳон тажрибаси кичик тадбиркорлик иқтисодий тараққиёт учун муҳим аҳамият касб этишини кўрсатмоқда. Германия, Италия ва Дания каби мамлакатларда кичик тадбиркорлик тараққиётга, унинг ялли ички маҳсулот таркибига салмоғи юқорилигига давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, молиялаштириш ташкил этиш масалаларига эътибор қаратилаётганлиги боис эришилган.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Европа ҳамжамиятининг Германия, Италия, Дания ва бошқа ривожланган давлатларида кичик тадбиркорликнинг ялли миллий маҳсулотдаги улуши 65-70 фоизни ташкил этади. Европа Иттифоқида кичик тад-

биркорликнинг юксак даражада тараққий топишига кичик бизнесни ривожлантириш бўйича қатор дастурлар қабул қилиниб, амалиётга жорий этилганлиги асосий сабаблардан бири бўлган.

Бу дастурларда кичик бизнес корхоналарини аниқлашда ягона ёндашув мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам Европа Комиссияси кичик ва ўрта корхоналарни аниқлаш юзасидан тавсиянома ишлаб чиққан. Тавсияномада Европа Иттифоқида микро, кичик ва ўрта корхоналарни аниқлашнинг аниқ чегаралари белгиланган.

Европа мамлакатларида тадбиркорлар микро ёки кичик корхона мақомига эга бўлиш учун микро корхоналарда 10 нафаргача, кичик корхоналарда 50 нафаргача ва якуний баланс қиймати 5 млн., максимум товар айланмаси 7 млн. еврогача бўлган мезонлар асосида шаклланган.

Эътиборлиси шундаки, Европа Иттифоқида кичик корхоналарнинг баён этилган мезонлар юзига келган ижтимоий-иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, ҳар 4 йилда қайта кўриб чиқилади.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришда тараққий этган давлатларнинг тажрибасидан кенг фойдаланиб, мустақилликнинг дастлабки даврларидан бошлаб қонунчиликда кичик тадбиркорликни ривожлантириш асослари шакллантирилди. Республикада вужудга келаётган янги ҳўжалик юртиш шакллари орасида кичик тадбиркорлик

субъектлари муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётда кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этишнинг асоси сифатида Республика Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги "Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги "Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори катта аҳамиятга эга бўлди.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг шаклланиши жаддаллашиб, бозор ҳўжалигининг муҳим таркибий қисми сифатида аҳамияти йилдан-йилга охири бормоқда. Уларнинг сони, банд бўлган ходимлар салмоғи, етиштирилаётган маҳсулот ҳажми кўпаймоқда, мамлакатнинг ялли ички маҳсулотидagi ҳиссаси ортмоқда.

Кичик тадбиркорлик соҳасининг кенг ривожланиб бориши, бунга асос бўлган қонуний нормаларнинг такомиллашуви тадбиркорлик субъектлари қулай ва эркин фаолият юртиш учун қонун доирасида тегишли чоралар кўрилаётганлигидан дарак беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги "Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғри-

сида"даги Фармони билан кичик тадбиркорлик субъектлар фойдасига қатор қулайликлар яратилди. Хусусан, кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасига:

якка тадбиркорлар;
ишлаб чиқариш соҳасида йилига ўрта ҳисобда йигирма нафардан, ёғизмат кўрсатиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида — ўн нафардан, улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида — беш нафардан ошмайдиган ишчи ходимларга эга бўлган микрофирмалар;

қуйидаги соҳаларда йилига ўрта ҳисобда иш билан банд бўлган:

енгил, озик-овқат ҳамда курилиш материаллари саноатида — икки юз нафардан; металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик ҳамда мебель саноатида — юз нафардан;

машинасозлик, металлургия, ёқилги-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, курилиш ва бошқа ишлаб чиқариш — саноат соҳасида — эллик нафардан; илм-фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (сугурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида — йигирма беш нафардан ошмайдиган ходимга эга бўлган кичик корхоналар кириши белгилаб берилди.

Ўзбекистонда иқтисодиётни янада эркинлаштириш бўйича ислохотларни амалга оширишда рўйхатдан ўтказиш тартиботларини соддалаштириш, давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида маъмурий тўсиқлар ва сансалорликларни камайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги "Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизими-

Нозим РАЙИМОВ,
Бош прокуратуранинг
ОЎҚ ўқитувчиси

ни тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори эса тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, расмийлаштиришнинг босқичма-босқич рўйхатдан ўтказиш принципларига ўтиш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлашда алоҳида ўрин эгаллади.

Ўтган йиллар давомида қабул қилинган бу каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг янада такомиллаштирилиши натижасида тадбиркорлик фаолияти субъектларини расмийлаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказиш "бир дарча" тамойили асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Тадбиркорлик фаолиятини қонунда белгиланган тартибда чеклаш маъмурий органлардан одил судлов ваколатига ўтказилди, тадбиркорликка тўсиқлик қилганлик, фаолиятига қонуний аралашганлик учун назорат органлари ходимларининг масъулияти оширилди, қонунчиликда маъмурий ва жиноий жавобгарлик масаласи кучайтирилди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда тадбиркорликка рухсат беришга оид тартиб-таомилларнинг 160 дан ортиги ёки 44 фоизи, лицензиялаш талаб қилинадиган фаолиятнинг 19 таси ёки 25 фоизи бекор қилиниб, шунингдек, давлат органларига тақдим этиладиган статистика, солиқ ва молия ҳисоботларининг шакли ва даврийлиги 1,5-2 марта камайтирилганлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Албатта, юртимизда тадбиркорлик фаолиятининг ривожига қаратилган бу каби эътибордан асосий мақсад халқимизнинг турмуш фаровонлигини, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада оширишдир.

Тадбир

Тошкентда "Тадбиркорликни ривожлантириш — Ўзбекистон иқтисодиётини юксалтиришнинг муҳим омили" мавзусида брифинг бўлиб ўтди.
Мазкур тадбир Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилди.

Муҳим омил

Брифингда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири экани таъкидланди.

Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ва бизнес муҳитини такомиллаштириш, тадбиркорларимиз хорижий шериклар билан ишбилармонлик алоқаларини йўлга қўйиши, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товар ҳамда хизматларни ташқи бозорларга тақлиф этиши учун қулай шароитлар яратишга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар билан таништирилди. Хусусан, бундай тадбирларда тадбиркорларга солиқ ва божхона қонунчилиги, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга соладиган меъриий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти, кредит олиш тартиби тушунирилмоқда.

Очиқ мулоқот бўлиб ўтди

Биламизки, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг эркинлаштирилиши, уларни ҳар жиҳатдан молиявий қўллаб-қувватлаш жамиятда ишчанаик муҳитини яратишда, бўш иш ўринлари барпо этилишида ўзига хос аҳамиятга эга.

Бухоро вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан Пешку туман тадбиркорлари ва коллеж битирувчилари иш-тирокида бўлиб ўтган учрашув айнан шу мавзуга бағишланди. Афсона тиббиёт коллежининг ахборот ресурс марказида ташкил этилган очиқ мулоқот аввалида тадбиркорлар, кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари кўргазмаси ҳамда туман аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бандликка кўмаклашиш маркази томонидан режалаштирилган меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди.

Учрашувда Пешку тумани ёшларининг билим салоҳияти, тадбиркорлик соҳасига йўналтириш имкониятларининг мавжудлиги, миллий дастурларга киритилган янги лойиҳалар, ишлаб чиқариш қўламини кенгайтириш, экспортбоп, рақо-

Моҳира ШАКАРОВА,
«Huquq»

батбардош маҳсулотлар тайёрлаб, дунё бозорига чиқиш хусусида атрофлича мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, солиқ тизими имтиёзлари, божхона ҳўжатларини расмийлаштиришдаги қулайликлар, кредит акратиш масалалари ҳақидаги мутахассисларнинг фикрлари тингланди. Коммунал тўловлардан қарздорликни бартараф этишда маҳалла, кенг жамоатчиликнинг ҳамкорлиги, ҳамжихатликдаги ҳаракати мақсадга мувофиқлиги, шунингдек, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш мамлакат иқтисодиётига маълум маънода улуш қўшиши таъкидланди.

Иштирокчилар мутасаддилардан ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар олишди.

Мансабни имкониёт деб билганлар

— Ходимларнинг иш ҳақи учун баъзан янги пластик карточка олаёламиз, рухсат берсангиз, — деди Юсуфжон Аҳмедовнинг олдига кирган ҳисобчи Зоҳиджон. Директор қозоғига имзо қўрган, ҳаёлига келган фикрдан қувониб кетди.

Шошма, ахир, кимсан — Республика шотилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Самарқанд филиали директори бўлиб ишласа, қўл остида қанча ходими бор. Яна ишламайдиган 20-30 одамни ишлайди деб эса, биров билиб ўтирибдими?!

— Зоҳиджон, сизга муҳим вазифа бор, — деди у ҳисобчиға синовчан тикилиб. Ҳисобчи эса "ҳамма нарсага тайёрман" дегандай, жилмайиб турарди. — Ведомостни янгилайсиз. Унинг устига иш ҳақи пластик карточкага ўтказилапти. Хўш, бу ёғини ўзингиз тушунасиз.

— Бемалол, айтаверинг. Биз ҳаммасига тайёрмиз, — деди Зоҳиджон.

— Тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди. Ведомостга қўшимча одамлар топиб қўлиб ёзиб, пластик карточкалар оласиз. Ҳар ой пул оқиб келаверади. Сиз ҳам қуруқ қолмайсиз.

Шундан сўнг тиббий марказдаги барча ходимларнинг иш ҳақларини пластик карточкаларига ўтказиш ҳақида банк билан шартнома тузилди. Уларнинг жинойи режаси амалга ошиб, умуман ишламайдиган 27 нафар фуқаронинг умумий пластик карточка олишга эришилди. Бу жинойи ҳаракат директор ва ҳисобчиға 2013 йилнинг ноябридан 2014 йилнинг апрель ойигача бўлган даврда 98 млн. 460 минг сўм фойда келтирди. Пластик карточкалардаги маблағлар турли мақсадларда сарфлаб юборилди.

Бошлиқ билан ходимнинг тил бириктириши уларга "фойда" топишининг турли йўллари оқиб берди. Орадан бироз ўтиб,

реанимация бўлими бошлиғи Б.Эшмирзаевга иш ҳақи ва меҳнат таътили учун ортиқча маблағ ҳисобланиб, яна 5 млн. 208 минг сўм ўзлаштириб юборилди.

Қўл ўтмай директор бош иқтисодчи Ҳамза Хўшвақтовни чақириб, ходимларга штаб билригидан кўпроқ иш ҳақи ёзишни буюрди ва ўнлаб ходимларга ортиқча штаб қўшиб ёзилди. Бу эса бир неча ойда 81 млн. 626 минг сўм маблағнинг талон-торож қилинишига олиб келди.

Бу орада филиал биноларини таъмирлаш лозим бўлиб қолди-ю, Юсуфжон Аҳмедов ўринбосари Сервер Эмир-Асановни чақиртирди.

— Хабарингиз бор, биноларини таъмирлашимиз керак. Бу ишга умумий маъсўл мен бўлсам-да, назоратни сиз олиб борасиз.

— Хўш, ўзим назорат қиламан, — деди ўринбосар.

— Нафақат назорат қиласиз, балки... — директор маъноли томоқ кирди. — Гап орамизда қолсин, бажарилган ишлар ортиқча ҳисоблаб чиқилсин. У ёғини ўзингиз тушунасиз.

Бошлиқнинг ҳар бир гапидан маъно ахтариб ўрганган ўринбосар "тушундим" деб бош иргарди.

Тиббий марказда таъмирлаш ишлари бошланиб кетди. Турли қурилиш корхоналари билан шартномалар тузилди. Қурувчи корхоналар ўзларининг вазифаларидан келиб чиқиб, совуқ сув қувурларини, бинонинг том қисми, ички қисмларини жорий таъмирдан чиқаришди. Ўринбосар Сервер Эмир-Асанов марказ бош энергетиги Зоҳид Аббосов билан қилинган ишларни назоратдан ўтказиб, қабул қилиши керак эди. Улар эса аксинча, ўзларининг ва бошлиқнинг чўнтагини қаппайтиришни ўйлашди. Оқибатда ҳужжатларга бажарилмаган иш ҳажми ортиқча ҳисоблаб ёзилди. Бу эса бую-

Фарҳод ШЕРИЙГИТОВ,
Самарқанд вилоят
прокуратураси бўлим бошлиғи

жет ҳисобидан 84 млн. 183 минг сўм маблағнинг талон-торож қилинишига сабаб бўлди.

Бу орада филиалнинг бошқа мансабдорлари ҳам ўз нафсларини ўйлаб иш юрита бошлашди.

Олимжон Шуқуров филиалнинг омборхона мудири бўлиб ишларди. У ўзининг жавобгарлигидаги озиқ-овқат маҳсулотларини пуллаб бошлади. Натижада беморларга берилиши керак бўлган 5 млн. сўмлик шифт маҳсулотлар омборхона "хўжайини" томонидан шу жойнинг ўзида номаълум шахсларга сотиб юборилди.

Филиалнинг 2-жарроҳлик бўлими бошлиғи Комил Жулбеков эса бўлимга ишга қабул қилинаётганлардан пора талаб қила бошлади. Жумладан, 2011 йилда Д.Намозова ва В.Илошқинадан 200 минг сўмдан, 2012 йил Қ.Эшонқуловдан 200 минг сўм, жарроҳ-врач Ф.Ҳақимовдан баҳоси 630 минг сўмлик электродвижот, 2013 йилда Д.Набиевадан 200 минг сўм пора олиб, ишга қабул қилди. Шунингдек, бу шахс баъзи ходимларни жамоат ишларига жалб қилмаслик эвазига ҳам пора олиб келган. Масалан, ҳамширалар Н.Бердиевадан 100 АҚШ доллари, Н.Солиевадан 250 минг сўм, М.Эргашевадан 250 минг сўм, Н.Раҳимовдан 300 минг сўм, бўлим ходими В.Илошқинадан 200 минг сўм пора олган. Улар эса ўз навбатида пахта йиғим-теримида иштирок этмаган.

Бу мансабдор шахсларнинг барчаси айбларига яраша жазога тортилди. Дастлабки тергов давомиди ундирилган 137 млн. 631 минг сўм маблағ Республика шотилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Самарқанд филиали ҳисоб рақамига ўтказилди.

Ўтган йилнинг май ойида Навоий вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органи томонидан Хатирчи туманидаги "Майдонсой" қишлоғида яшовчи Самад Қаюмов ва Нозима Холиқова (исм-фамилиялар ўзгартирилган)ларнинг хонадони текширилганда, томорқага экиган 157 туп гиёҳванлик ўсимлиги топилди. Мазкур ҳолат юзасидан ўтказилган тергов-суриштирув жараёнида эса эр-хотиннинг гиёҳванлик воситаларини сотиш билан боғлиқ жиноятлари ҳам ошкор бўлиб қолди.

Эр-хотин оғуфтурушлар

Нодиржон ШАРИПОВ,
Хатирчи туман прокурорининг ёрдамчиси

Мазкур гиёҳфурушлар беш нафар фарзанднинг ота-онаси, ёшлари ҳам улуг экан. Бу кимсалар айна болаларига ўрناк бўлиб, уларга тўғри йўлни кўрсатадиган пайтларида жиноят ботқоғига ботиб ўтиришибди. Салкам етмиш ёшни қаршилаган ота, эллик ёшга яқинлашиб қолган она инсонлар бошига қулфат келтирувчи, носоғлом фарзандлар дунёга келишига сабаб бўлувчи оғу савдоси билан шуғулланганликлари афсусланарлидир.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган С.Қаюмов айбига иқроқлик билдираркан, соғлиғи ёмонлиги сабаб доимий равишда дори-дармон сотиб олиш учун томор-



қасида гиёҳванлик воситасини етиштирганини айтиб, ўзини оқлашга уринди. Қолаверса, баъзи-баъзида ўзи ҳам мана шу захри қотилдан истеъмол қилиб туришини ҳам яшириб ўтирмади. Бундай вазият унинг қилмишини оқлай олмаслигини билса-да, унинг бу йўлдан қайтмаганилиги кишини таажубга солади.

Маълум бўлишича, ўз хонадонига гиёҳванлик ўсимлигини парваришлаб, "ҳосили"ни йиғиб олган эр-хотин ўтган йилнинг 20 март куни хонадонларига ташриф буюрган "мижоз"га оғирлиги 67 грамм бўлган гиёҳванлик воситасини 100 минг сўмга пуллашади. Ўзларининг жинойи ҳаракатларини давом эттирган эр-хотин орадан 20 кун вақт ўтиб, хонадонига кириб келган "мижоз"ни қуруқ қўл билан қайтаришмайди. Унга 100 АҚШ доллари эвазига 105 граммга яқин "марихуана"ни сотиб юборишади.

Ўз хонадонига гиёҳванлик воситасини етиштириб сотиш билан шуғулланган эр-хотиннинг ишини атрофчиға ўрганиб чиққан Навоий шаҳар суди С.Қаюмовга 12 йил, Н.Холиқовага эса 11 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Бу кимсалар қилмишларидан минг пушаймон бўлишса-да, вақтни ортга қайтариб бўлмаслигини афсуслик кеч тушунишди.

Халқаро ҳаёт

Автопаркда ёнғин чиқди

Россиянинг Челябинск шаҳридаги автопарклардан бирида ёнғин чиққан. Натижада автотураргоҳдаги 25 та машина ёниб кетган. Улардан 3 таси автобус бўлгани айтилмоқда.

Ўт ўчирувчилар мазкур ёнғинни 3 соатдан кейингина ўчиришга муваффақ бўлишган. Айни вақтда воқеа жойида ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари текширув олиб бориб, ёнғин сабабларини ўрганишмоқда.

Кема бортидаги кокаин

"Reuters" ахборот агентлиги хабарига кўра, АҚШ ҳуқуқни муҳофаза қилиш муассасалари ходимлари Колумбиядан келаётган кема бортида 5 тонна 280 кг. кокаин гиёҳванлик моддаси борлигини аниқлашган.

Қайд этилишича, топилган кокаиннинг нархи 180 млн. АҚШ долларини ташкил қилади. Кема Колумбиянинг Буэнавентура шаҳридан йўлга чиқиб, Панама байроғи остида келаётган бўлган.

Айни пайтда Колумбия ва Лотин Америкасида бўлган кема экипажининг 14 нафар аъзоси ҳибсга олинган. Ушбу воқеа буйича тергов ишлари бошлаб юборилган.

Мактабга юбормагани учун жазо



"The Daily Mail" нашрининг хабар беришича, Буюк Британиялик она 6 нафар фарзандини мактабга юбормагани учун 5 ой қамоқ жазосига тортилган.

42 ёшли Клаудия Уорд исмли бу аёл тергов-суриштирув жараёнида ўз айбини тан олди. Унинг фикрича, фарзандлари зерикарли ва иссиқ синфхонадаги дарсларга боришдан кўра пляж ёки ўрмонда сайр қилишдан кўпроқ фойда олар эмиш.

"Болаларнинг таълим олиши ҳақидаги фикрларим энди ўзгарди. Мен фарзандларимга билим олишлари учун имкониёт яратиб, уларга касб танлаш имконини бераман", дейди К.Уорд.



Имтиҳонлар бекор қилинди

Ҳиндистоннинг Бихор штатида жойлашган маҳаллий мактабларда битирувчиларга имтиҳонда кўчирмачилик қилмишга ёрдам бергани учун қарийб 100 киши ҳибсга олинди. Бу ҳақда "Синьхуа" ахборот агентлиги хабар бермоқда.

Ҳибсга олинганлардан кўпчилиги битирувчиларнинг ота-оналари бўлган. Улар ўз фарзандларига ёрдам бериш мақсадида имтиҳон саволларининг тўғри жавоблари ёзилган қозғоларни беришмоқчи бўлишган.

Полиция ходимлари ушбу "ёрдамчилар"ни тарқатиш мақсадида ҳавога ўқ узишган. Бу ҳам ёрдам бермаганидан кейин қоидабузарларни ҳибсга олишга мажбур бўлганлар.

Полицияга битирувчиларнинг ота-оналари, яқинлари синфхоналар ойнасидадан ўқувчиларга "шпаргалка"ларни бериш учун мактаб деворларига тирмашиб чиқаётганлари акс этган фотосуратлар ва видеотасвирлар келиб тушган. Мактаб олдида навбатчилик қилган полиция ходимлари эса пора эвазига ушбу ҳолатга кўз юмишгани аниқланди.

Ушбу моҳародан кейин 750 нафар ўқувчи мактаблардан четлатилди, баъзи мактабларда имтиҳонлар бекор қилинди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди



Собиқ ва амалдаги раҳбарлар озодликдан маҳрум этилиши мумкин

Испания миллий бошқарув суди "Барселона" клубининг ҳозирги раҳбари Хосеп Бартомеу ҳамда клубнинг собиқ президенти Сандро Росселга нисбатан қамоқ жазоси қўлланилишини талаб қилмоқда.

Хар иккала раҳбар ҳам молиявий қаллобликда, шу жумладан, бразилиялик ҳужумчи Неймарни сотиб олишдаги қинғирликда айбланмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилот Бартомеу учун 2 йил-у 3 ой, Россель учун эса 7 йил-у 3 ой қамоқ жазосини сўрамоқда.

Бундан ташқари, "Барселона" клубининг ўзи 33 миллион евро миқдоридagi жаримага тортилиши ҳам мумкин, дея хабар бермоқда soccer.ru сайти.

ЕЧЛ: чорак финалдаги рақиблар аниқланди

Ўтган ҳафтада Швейцариянинг Ньон шаҳридаги УЕФА ташкилоти қароргоҳида Европа чемпионлар лигаси мусобақасининг чорак финалига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Қуръа натижасига кўра, Мадриднинг икки жамоаси бир-бирига рўбарў келиб қолди. Куйида барча жуфтликлар билан танишишингиз мумкин.

"ПСЖ" (Франция) — "Барселона" (Испания)
 "Атлетико" Мадрид (Испания) — "Реал" Мадрид (Испания)
 "Порту" (Португалия) — "Бавария" (Германия)
 "Ювентус" (Италия) — "Монако" (Франция)

Шунингдек, шу кун Европа лигасига ҳам қуръа ташланди. Унга кўра, мусобақанинг амалдаги чемпиони "Севилья" клуби Россиянинг "Зенит" жамоасига қарши майдонга чиқадиган бўлди. Куйида барча жуфтликлар билан танишишингиз мумкин.

"Фиорентина" (Италия) — "Динамо" Киев (Украина)
 "Вольфсбург" (Германия) — "Наполи" (Италия)
 "Днепр" (Украина) — "Брюгге" (Бельгия)
 "Севилья" (Испания) — "Зенит" (Россия)

Унаи Эмери «Рома»ни бошқариши мумкин


Испаниянинг "Севилья" клуби устози Унаи Эмери Италиянинг "Рома" клубини бошқаришга номзод бўлиб турибди. 43 ёшли мутахассис ўтган мавсумда андалусияликлар билан Европа лигасида голиб чиққан. Жорий мавсумда эса унинг клуби турнирнинг чорак финалига етиб келди ва бу босқичда Россиянинг "Зенит" жамоасига қарши баҳс олиб борди.

Аввалроқ хориз оммавий ахборот воситалари орқали римликлар Европа чемпионлар лигаси йўлланмасини кўлга киритолмаса, клубнинг амалдаги бош мураббийи Руди Гарсия ва клуб спорт директори Вальтер Сабатинининг истеъфога чиқарилиши тўғрисидаги хабарлар берилганди.

Фалькао борасида музокаралар бошланди

Италиянинг "Ювентус" клуби колумбиялик ҳужумчи Радамель Фалькао борасида Франциянинг "Монако" клуби билан музокараларни бошлади.

Туринликлар айна пайтда Англиянинг "Манчестер Юнайтед" клубида ижара асосида тўп сураётган футболчини ўз сафларига қўшиб олишмоқчи. Хабарингиз бор, манкунианликлар бош мураббийи Луи ван Гал Фалькаони ёшлар жамоасига ўтказган.



Бу ҳолат эса ҳужумчига руҳий таъсир кўрсатмай қолмайди, албатта. "Ювентус" клуби бу вазиятдан фойдаланиб, Фалькаони кўлга киритиш пайида.

Монаколиклар футболчи учун 55 миллион евро талаб қилишмоқда.

Хуммельс «МЮ»га ўтмоқда

Дортмуннинг "Боруссия" клуби ҳимоячиси Матс Хуммельс ёзда "Манчестер Юнайтед" жамоасига ўтиши деярли аниқ бўлди, дея хабар бермоқда Daily Mail нашри.

Футболчининг трансфер нархи 36 миллион фунт стерлингга баҳоланмоқда. Бироз аввалроқ ҳимоячининг ўзи бошқа жамоага ўтиш истагида эканлигини маълум қилганди.

Эслатиб ўтамиз, Хуммельс бу мавсумда "Боруссия" клуби сафида 23 та ўйин ўтказиб, битта гол уришга муваффақ бўлган.



Симеоне «Атлетико»да қоладиган бўлди

Испаниянинг "Атлетико" клуби бош мураббийи Диего Симеоне мадридликлар билан келишувни узайтирадиган бўлди. 44 ёшли аргентиналик мураббий 2020 йилга қадар клуб бош мураббийи сифатида ишлайди. Ҳозирча янги келишувнинг молиявий томонлари ошкор қилинмапти.

Эслатиб ўтамиз, Симеоне "Атлетико" клубига 2011 йилда келганди.

Иванович «Бавария» «нишони»да

Англиянинг "Челси" клуби ҳимоячиси Бранислав Иванович ўз фаолиятини "Бавария" жамоасида давом эттириши мумкин. Мюнхен клуби бош мураббийи Хосеп Гвардиола ҳимоячини ёзда сотиб олиб, Филипп Ламни таянч ярим ҳимоясига ўтказишни режалаштирмоқда.

Б.Ивановичнинг "Челси" клуби билан амалдаги шартномаси 2016 йилда якунланади. "Бавария" клуби бу вазиятдан фойдаланиб қолишни режалаштирмоқда. Агар томонлар яқин вақт ичида янги келишувга эришмаса, лондонликлар ҳимоячини ёзда сотиб юборишга мажбур бўлади.

УЕФА ўз квотасини ошириш ҳаракатида

УЕФА бош котиби Жанни Инфантининг маълум қилишича, ташкилот 2018 йилда Россияда бўладиган жаҳон чемпионатида Европа терма жамоалари сонини биттага ошириш учун ҳаракат қилади.

"Биз жаҳон чемпионатида иштирокчиларимиз сонини яна битта терма жамоага оши-



FIFA WORLD CUP
RUSSIA 2018

миз. Чунки охириги уч мунди алда

айнан Европа жамоалари чемпион бўлдилар", — дейди Инфантино.

Ҳозирги пайтда Европа қитъасидан жаҳон чемпионатларида 13 та терма жамоа қатнашмоқда. ЖЧ-2018да уларнинг сони 14 тага етади, чунки Россия терма жамоаси мезбон сифатида саралаш босқичида иштирок этмайди.

Европа квотаси масаласи жорий йилнинг май ойида Цюрих шаҳрида бўлиб ўтадиган ФИФА

ижроқўми мажлисида кўриб чиқилади.



Шартнома бекор қилинади

Эрон миллий терма жамоаси бош мураббийи Карлуш Кейруш март ойининг сўнгги кунларидаги иккита ўртоқлик учрашуви билан сўнг эгалаб турган лавозимини тарк этади.

Эрон терма жамоаси яқинда Швецияда йилнинг ўтказида. Йилнинг давомида форслар Чили ва Швеция терма жамоаларига қарши ўртоқлик учрашувларини ўтказишади. Ушбу ўйинлардан сўнг португалиялик мураббий Эрон футбол федерацияси билан тузилган шартномасини бекор қилишга қарор қилди.

Эслатиб ўтамиз, Карлуш Кейруш бошчилигидаги Эрон термаси Бразилияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионати ва жорий йилнинг бошида ўтказилган Осиё кубоги-2015да қатнашди. Мураббий шоғирдлари билан жаҳон чемпионатида гуруҳдан чиқишни уддалай олмagan бўлса, Осиё кубогининг чорак финалида Ироқ терма жамоасига имкониятни бой беришган эди.

Ҳамкасблар эъзози



38 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг оқилолликларини ҳимоя қилишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келган инсонлардан бири прокуратура фахрийси Балакина Светлана Васильевна кутлуғ 75 ёшни қарши олмақда.

У меҳнат фаолияти давомида Тошкент вилоят прокуратурасида катта терговчи, прокурор ёрдамчиси, Чирчиқ туман прокуратурасида терговчи, Республика Бош прокуратурасида бўлим ва бошқарма прокурори лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Светлана Васильевна ўз меҳнатсеварлиги, кўп йиллик амалий иш тажрибаси, теран билими, ёшлар ва шогирдларга бўлган гамхўрлиги билан ҳамкасбларининг эъзозига, қаерда ва қайси лавозимда ишлашадан қатъи назар, ҳамisha билимдон ва тақрибли ҳуқуқшунос сифатида жамоатчилик эътиборига сазовор бўлди.

Камтарлиги, фидойилиги ва хизмат бурчига содиқлиги билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари орасида ҳурмат қозонди.

Светлана Васильевнанин узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча мартаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Светлана Васильевна, кутлуғ айёмингиз муборак бўлсин! Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, наҳондингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

Реклама (эълон)лар

«FAR PIRAMIDA INVEST» МЧЖ

барча юридик ва жисмоний шахсларни очиқ танлов савдосига таклиф этади

1. Танлов савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти, Данғара тумани ҳокимининг 13.03.2015 йилги 118-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қўйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда:

1. Савдо дўкони қуриш учун Данғара тумани, Галаба ҚФЙ, Қирқлар қишлоғи 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган ер майдони 100 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 54 989 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Данғара тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2015 йил 23 апрель куни соат 18:00да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Данғара тумани ҳокимлиги биносидан 2015 йил 24 апрель куни соат 13:00да очилади, 2015 йил 24 апрель куни соат 16:00да мазкур ҳокимлик биносидан таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор қўлиб деб топилади.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини "Асака банк" Фарғона филиали, МФО:00539, СТИР: 300353028, 20208000404602810001 х/р.га тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридида ҳақ эъзиви олади.

Талабгорлар буюртманомана билан бирга қўйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; — жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; — танлов ташкилотчисига закат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидаги нусха; — танлов ҳужжатлари талабгорига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Б.Марғиновий кўчаси 35-уй, "Биржа маркази" биноси. Тел: (0-590) 307-11-88, 630-66-99, www.fer-piramida.uz Лицензия № RR 0131.

Хизматлар лицензияланган

«K'O'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Фарғона вилоят филиали томонидан "Биржа" газетасининг 2014 йил 11 сентябрдаги 104(1819)-сонидан ва "Huquq" газетасининг 2014 йил 11 сентябрдаги 37(922)-сонидан хабарномаси чоп этилиб, очиқ танлов савдосига чиқарилган Фарғона вилояти, Данғара тумани, Тайпоқ ҚФЙ, Олаҳмак қишлоғида жойлашган Данғара тумани ҳокимлигига қарашли "Мажлислар зали" бино ва иншоотлари танлов савдосидан олинганлигини маълум қиламиз:

Асос: Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 16 мартдаги 5хс/б-сонли буйруғи. Телефон: (0-373) 244-46-39, 244-46-22 www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

Хизматлар лицензияланган

Ўз ишининг фидойиси

Ўз меҳнатининг фидойиси, касбига содиқ бўлган инсонлардан, Фарғона водийсининг жонқуяр журналистларидан бири — Исроиљон Иброҳимов кутлуғ 60 ёшни қарши олмақда.

Бу инсон ҳақида гапирилганда, энг аввало унинг чин инсоний фазилатлари — каттага ҳурмат, кичикка иззатда бўлиши, тўғрисиқлиги ва ҳалоллигини алоҳида тилга олиш даркор.

У ўтган йиллар давомида машаққатли ва айни дамда самарали меҳнат қилди деб айтиш мумкин. Чунки унинг муаллифлигида берилган барча материаллар доимо ўқувчилар томонидан қизғин кутиб олинганлиги билан диққатга сазовордир. Бу албатта, И.Иброҳимовнинг меҳнатсеварлиги, билимдонлиги ва изланувчанлиги, ҳар бир ишга кунт ва масъулият билан ёндашиши, муҳтождлардан ўз ёрдамини аямаслиги каби фазилатларининг ёрқин намунасиридир.

Хусусан, тахририятимизда ўн беш йилдан ортиқроқ вақт мобайнидаги ижодий фаолияти давомида прокуратура органларининг мамлакатда

қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, республикамизнинг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ ислохотларини чуқурлаштириш жараёнларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга бағишланган, фуқароларнинг, биринчи навбатда, ёшларнинг ҳуқуқий онгини, уларнинг сиёсий маданияти ва ижтимоий фаоллигини оширишга, шунингдек, одамлар онгиде демократик қадриятларни шакллантиришга хизмат қиладиган материаллари билан қатнашиб келмоқда.

Исроиљон Иброҳимовнинг ижодини ўзбек журналистикасини янада ривожлантиришда ўзига хос ўринга эга, деб айтиш мумкин. Бу эса, унинг ҳаёти давомида амалга ошириб келаётган ишларнинг давомчиси бўлган фарзандлари, ундан илму сабоқ ва тарбия олган шогирдлари учун ёрқин



тарбия ўчоғи бўлиб келмоқда.

У 38 йиллик ҳалол ижодий фаолияти билан кенг жамоатчилик ва ҳамкасблари ўртасида иззат-икромга, юксак ҳурматга сазовор бўлди. Зотан, инсон учун ҳаётдаги энг олий мукофот ҳам, бахт ҳам ана шунда.

Ҳурматли ҳамкасбимиз! Шу фурсатдан фойдаланиб, меҳнатингизга барака, узоқ умр, оилавий бахт-саодат, ижодий ишларингизга улкан парвозлар ҳамда фарзандларингиз бахтига доимо соғ-омон бўлиб юришингизни тилаймиз.

Ҳамкасб дўстлар ва шогирдларингиз

«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ томонидан ташкиллаштирилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкалари беришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 147-сонли қарори асосида ер участкаларига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқларининг 2015 йил 11 март куни бўлиб ўтган тендер савдолари натижалари

Фарғона шаҳар Мотрудий кўчаси 18 ва 26-сонли кўп қаватли бинолар оралиғида музқаймоқ ва салқин ичимликлар шохобчаси қуриш учун 500,0 кв.м. ер участкаси. Ер участкасининг минимал баҳоси 525 000 сўм. Сотилиш баҳоси 3 000 000 сўм. Фарғона шаҳар А.Қодирий кўчаси 56-сонли кўп қаватли уй ёнида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш шохобчаси қуриш учун 276,0,0 кв.м. ер участкаси. Ер участкасининг минимал баҳоси 268 932 сўм. Сотилиш баҳоси 3 000 000 сўм.

Хизматлар лицензияланган

"Effect Real Group" МЧЖ томонидан «Huquq» газетасининг 2015 йил 5 март куниндаги 9(946)-сонидан Фарғона шаҳар, Юксалши (Кува-сой) кўчасида жойлашган "Иссиқлик манбаи" худудидидаги шаҳар захирасида бўлган ер майдонига "Темир бетон ва металлочерепица" ишлаб чиқариш цехи қуриш учун берилган эълон бўйича танлов савдоси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрь кунги 378-сонли қарорига асосан тўхтатилади.

Хизматлар лицензияланган

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Наманган вилоят прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси, Наманган вилоят прокуратураси фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги марказининг ҳудудий бўлими раиси Наримонжон Умаровга турмуш ўртоғи **Зулфия УМАРОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси, иккинчи ҳақон уруши қатнашчиси, Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими **Александр КРАСИКОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Тошкент шаҳар прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси **Маргарита ГАЗАРОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

БИЛДИРИШНОМА

Huquq
yuridik gazeta
Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir Jur'atovich
MAKUMOV
Tahrir hay'ati:
Hakimboy HALIMOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV
(masul ko'itib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85
E-mail:
huquq@huquq.uz
Gazeta haftalik paysonada nashr chiqadi.
Sotuvda keleshishgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan faralanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
□ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.
Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma s-2488. 48 197 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: **M.DUSIYAROVA**
Sahifaolovchi: **S.BABAJANOV**
Navbatchi: **O.DEHQONOV**
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda O'188-raqam bilan no'yxatga olingan.
ISSN 2010-7617
9 772010 761004